

Янги Ўзбекистонда демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича халқаро меъёр ва тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда, халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт кечиришни таъминлаш учун барча чоралар ишга солинади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
14-may
chorshanba
№ 19 (1446)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Биз ҳар куни аксарият вақтимизни ижтимоий тармоқларга бағишлаймиз: кайфиятимизни кўтариш, янгиликларни билиш ёки дўстлар билан мулоқот учун турли платформалардан фойдаланамиз. “Facebook”, “Instagram”, “YouTube” ва бошқа тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 30 миллиондан ортиқ аҳоли интернет тармоғидан фойдаланади. “NaroleonCat” портали 2024 йилда “Instagram” дан 9 миллион 420 минг, “Facebook” дан деярли 10 миллион ўзбекистонлик фойдаланишини қайд этган. Рақамлар йил сайин ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Интернет ва ижтимоий тармоқлар нафақат кўнгилочар, маърифий ёки технологик контентлар тақдим этмоқда, балки янги таҳдидларнинг вужудга келишига сабаб бўляпти. Жумладан, дезинформация, кибербуллинг, зарарли ҳаволалар, онлайн фирибгарлик ҳолатлари кўпаймоқда.

Яна рақамларга мурожаат қилсак. 2024 йилда онлайн платформаларда фирибгарлик мақсадида фишинг, дипфейк, сохта профиллар ва зарарли ҳаволаларни тарқатиш билан боғлиқ 19 минг 295 та, зўравонлик, шафқатсизлик, соғлиққа зарар етказиш билан боғлиқ 274 та, наркотиклар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рекламаси билан боғлиқ 18 минг 393 та ҳолат аниқланди.

Бундай вазиятда тармоқда фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний контентга қарши кураш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамия касб этмоқда.

Янги қонун лойиҳаси:

РАҚАМЛИ ДУНЁДА ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИ



...Бугунги кунда
Ўзбекистонда
30 миллиондан ортиқ
аҳоли интернет
тармоғидан фойдаланади...

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Масалан, Германияда 2017 йилда “Ижтимоий тармоқларда ҳуқуқни қўллашни таъминлаштириш тўғрисида”ги қонун (“Facebook тўғрисида”ги қонун сифатида машҳур) қабул қилинган. Ушбу ҳужжат йирик платформалар, жумладан, “Facebook”, “Twitter”,

“YouTube” ва бошқаларга Германия жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра “ноқонуний контент” деб топилган материалларни дарҳол ўчириш мажбуриятини юклайди. Францияда 2020 йилда “Интернетда нафратни қўзғашга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, у онлайн платформаларни ноқонуний контентни суд қарорисиз ўчи-

риш мажбуриятини юклайди ҳамда шикоят қаноатлантирилмаган тақдирда платформаларга жарима қўллаш ҳуқуқини беради. Шу билан бир қаторда, ушбу қонунга биноан ижтимоий тармоқларнинг Франция ҳудудига қонуний вакили бўлиши шарт. Ушбу ҳужжатга кўра, ноқонуний контентни жойлаштирилган платформалар 250 минг

еврогача, бундай материалларни белгиланган муддатларда ўчиришдан бош тортганлар 1,25 миллион еврогача жаримага тортилиши мумкин. Туркияда 2020 йилдан бошлаб хорижий IT-компаниялар мамлакат ҳудудига ўз ваколатхонасини очиши кераклиги белгиланган. 2020 йил ноябрида мазкур тартибни бажармаган бир қатор йирик платформалар (“Facebook”, “Twitter”, “Instagram”, “Periscope”, “YouTube”, “TikTok”)га 1 миллион евродан жарима солинган.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ВА ВЕБ-САЙТЛАРГА ҚАНДАЙ МАЖБУРИЯТЛАР ҚўЙИЛМОҚДА?

Жорий йилнинг 10 май куни муҳомадага қўйилган “Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида бир қатор муҳим ўзгариш ва янгиликлар баён қилинган.

4-6.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан “Олтин қалам” XIX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- 1 та Бош миллий мукофот
- Телевидение йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);
- Радио йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);
- Босма нашрлар йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);
- Интернет нашрлари йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича); Шунингдек, танловда қуйидаги рағбатлантирувчи номинациялар жорий этилади:

1. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни тарғиб қилувчи энг яхши материаллар учун
2. Давлат тилини ривожлантириш, нуфузини янада оширишга бағишланган энг яхши таҳлилий материаллар учун
3. Ёшлар ҳаётига оид энг яхши материаллар учун
4. ОАВда эълон қилинган энг яхши миллий контент (материаллар) учун
5. Долзарб мавзудаги энг яхши танқидий-таҳлилий материаллар учун
6. Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун
7. Спорт соҳаси ёритилган энг яхши материаллар учун
8. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига бағишланган энг яхши материаллар учун

3-6.

ИҚТИСОДИЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА



ТЕРМИЗ – МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲИМ МАРКАЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро ҳамжамият эътиборини доимо Афғонистондаги вазиятга қаратиб келмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари: “...ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яқкалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас”, деган муҳим қақирқини илгари сурган эди.

2023 йилдаги 78-сессияда эса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришдаги қатъий сиёсати қайд этилди. Шу билан бирга, Афғонистон халқини қўллаб-қувватлаш ва унга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Президент таъбири билан айтганда, “бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этувчи, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан очиқ шерикликка тайёр Афғонистон керак”.

Мазкур инсонпарвар ва прагматик ёндашув доирасида Ўзбекистонда афғон фуқаролари учун иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва таълим со-

ҳаларида имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 480 дан зиёд қўшма ва хорижий корхона фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 335 тасида Афғонистоннинг тўлиқ ёки қисман улуши мавжуд. Бу умумий хорижий корхоналарнинг 69,4 фоизини ташкил этади. 2024 йил якунига кўра, Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси 57,4 миллион АҚШ долларига етган.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва Марказий Осиёда ягона саналувчи “Термиз халқаро савдо мажмуаси” бу жараённинг марказида турибди. 2024 йилда фойдаланишга топширилган мазкур марказ-мажмуада Афғонистон ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамлашда ишончли платформа вазифасини ўтамоқда. Геостратегик нуқтаи назардан қаралганда, у Карачи — Термиз — Тошкент — Қозоғистон — Россия халқаро транспорт йўлагининг асосий бўғини бўлиб, Ўзбекистон ва бутун минтақа учун Ҳинд океани портлари орқали жаҳон бозорларига чиқиш имконини яратади.

2-6.

ИСЛОҲОТ

ЖИЙДА ГУЛЛАГАНДА...

Наманган гуллар шаҳри, гуллар диёри. Гулга термилган киши завқ олади, ором топади. Гул билан ҳаёт ҳам гулгун. Мустақилликнинг дастлабки йиллари вилоятда ҳоким бўлиб ишлаган таниқли давлат арбоби, ибратли умри билан эл назарига тушган Ботирали Ҳакимовнинг айтишича, Наманганни гуллар шаҳрига айлантиришда Назир Ражабовнинг хизматлари бекиёс бўлган экан. Гулга шайдо кўнгилли инсонлар орасида фозилларга хос ҳаёт кечириб, мудом яхшиликларга шошилиб, ўзидан гўзал хотиралар қолдириб кетган олим Носир Отахонов номи ҳам эсга олинади. Унинг қадами теккан жой борки, гулзорга айланган.

Таниқли адиб, раҳматли устозим Мақсуд Қориев дала ҳовлисида ҳам гуллар кўп бўларди. Бир сафар жийда гулига қараб деганлари ҳечам ёдимдан чиқмайди: “Онамнинг хикоя қилишича, жийда гуллаганида ифори-

СУВ КЕЛТИРГАН – ЭЛДА АЗИЗ!



лари Маккаи Мадинани зиёрат қилиб келар экан...” Менинг назаримда ҳам жийда гулидаги гўзаллик, ифоридаги муаттарлик бошқа ҳеч бир гулларда йўқ.

Икки ҳафта аввал Наманганга борганимизда нафақат гуллардан баҳра олдик, жий-

далар кўпلىгидан гўзал ва бетакрор жийда гулларининг ифорида ҳам тўйдик. Айниқса, Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тармоқлари атрофларидаги яшиллик билан яқиндан танишганимизда, адирлик ва ялангликлар ён бағирларидан эсаётган майин шаббода билан таралаётган жийда гулининг ҳидидан димоғимиз чоғ бўлди.

СУВ — ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

Сув Яратганнинг бебаҳо, мўъжизавий неъматидир. Сув бор жойда боғлар болга тўлади. Жамики жонзот сув билан тирик.

3-6.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

ХИЁНАТ ИСКАНЖАСИДА



ёки машҳур қизикчи Муҳиддин Дарвешовни нима учун қамоққа олмоқчи бўлишган эди?

Тарихий манбаларда, илмий-бадий адабиётларда ўтган асрнинг 30-50-йилларида шўролар ҳукумати томонидан содир этилган хунрезликлар ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Алалхусс, халқимизнинг ҳур фикрли кишилари, миллат оидинлари, ватан озодлиги учун курашган минглаб зиёли ватандошларимизга турли тўхмат ва уйдирмалар орқали “халқ душмани”, “миллатчи”, “акселинқилбчи” там-

гаси босилиб, уларнинг ўлимга, умрбод ёки узоқ йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилганлиги аччиқ ҳақиқатдир.

Энг ачинарли ва афсусланарлиси шундаки, аксарият маърифатпарвар инсонларнинг ноҳақ жазога тортилишида миллатимизнинг айрим нобоб вакиллари, қақимчи ва сотқин кимсалар “бош-қош” бўлишган.

4-6.



ФАХР



Жорий йилнинг 1-2 май кунлари Хоразм вилояти муҳим воқеаларга бой кунларни бошдан кечирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразмга ташриф буюриб, бир қатор муҳим тadbирларда иштирок этдилар. Ушбу ташриф доирасида туристик марказ — “Арда Хива”нинг очилиш маросими, ёшлар билан учрашув ҳамда марказий студияда йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур ташриф нафақат инфратузилма ва туризм ривожини, балки ёшлар билан мулоқот нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган очик ва самимий учрашув ёшлар қалбида катта таассурот қолдирди.



ТЕРМИЗ – МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲИМ МАРКАЗ

1-6.

“Термиз халқаро савдо маркази” 36 гектар майдонни қамраб олган бўлиб, бу ҳудудда 500 га яқин савдо дўкони ва омборхоналар барпо этилган. Ҳозирда уларнинг 250 таси фаолият юрита бошлаган, шулардан 99 таси афғон, 151 таси эса ўзбекистонлик тadbиркорларга тегишли. Қизилқарғис, афғон ва ўзбек тadbиркорлари ёнма-ён, қўшни дўконларда савдо қилишмоқда. Афғон дўконларидаги сотувчилар ўзбек тилини яхши билгани сабабли, юртимиз харидорлари учун мулоқотда ҳеч қандай тўсиқ йўқ — маҳсулот нархини тортишиши, бозорчиликнинг анъанавий кайфиятини ҳис қилиш мумкин.

— Бу бозорда дўкон очганимизга етти ойча бўлди, — деди Мозори Шарифдан келган тadbиркор Шермуҳаммад Назарий. — Иккита дўконни ижарага олганмиз. Уларда, асосан, афғон миллий кийимлари ва гиламлари сотилади. Барча маҳсулотлар ўзимиз ишлаб чиқарадиган ҳафта тайёрланади. Савдо кундан-кун ўсиб бормоқда, харидорлар ҳам кўпайган.

Шунингдек, марказда замонавий “InBazar” савдо мажмуаси, 198 ўринли “Hilton Garden Inn” меҳмонхонаси, хостел, 71 ўринли “Akfa Medline” клиникаси ва 200 ўринга мўлжалланган “Central Asia University” бизнес мактаби фаолият юритмоқда. Клиника йилига 46 минг беморга хизмат кўрсатиш



қувватига эга бўлиб, 190 нафар малакали мутахассис тиббий хизмат кўрсатади. Бизнес мактабда афғон ёшларига дари, пушту ва инглиз тилларида бепул таълим берилади. У замонавий аудиториялар, компьютер синфлари, кутубхона ва ётоқхона билан жиҳозланган.

Бу ерда логистика инфратузилмаси ҳам ривожланган. “Auritom Logistic Center” томонидан қурилган логистика маркази йилига 22 минг юк машинасига хизмат кўрсата олади, 900 минг тонна юк айланмаси қувватига эга. Юкларни қайта ишлаш, қadoқлаш, сақлаш ва ташиш ишлари комплекс равишда амалга оширилади. Махсус божхона постида декларациялаш, экспертиза, сертификатлаш ва фитосанитар назорат

хизматлари бир жойда тақдим этилади.

Савдо марказида меҳмонлар ва маҳаллий аҳоли учун дам олиш ва кўнглочар инфратузилмалар ҳам ташкил этилган: болалар ўйин майдончалари, ресторанлар, дам олиш ҳудудлари ва ҳайвонот боғи мавжуд. Бугунга қадар марказга 250 мингдан зиёд афғонистонлик ва 230 мингга яқин ўзбекистонлик ташриф буюрди. Бу эса марказнинг талаб ва эҳтиёжларга мос равишда фаолият юритаётганини кўрсатади.

Марказда 1100 нафар киши доимий иш билан таъминланган, уларнинг 1000 нафари маҳаллий аҳоли, 100 нафари эса афғон фуқароларидир. Афғонистон фуқаролари учун визасиз, соддалаштирилган тартиб жорий этил-

ган. Улар 15 кунгача марказда эркин ҳаракат қилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Агарда бу муддатдан ортиқ қолиш, ўқиш ёки ишлаш нияти бўлса, белгиланган тартибда виза расмийлаштирилади. Марказда 3 та кириш-чиқиш пункти мавжуд: иккита пункт орқали Ўзбекистон фуқаролари ва юк автомашиналари ҳаракатланса, учинчиси Афғонистон фуқаролари учун мўлжалланган. Валюта эркинлиги ҳам кафолатланган — сўм, доллар, евро, рубль ва юанда тўлов амалга ошириш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, “Термиз халқаро савдо маркази” — бу фақат савдо майдони эмас, балки Афғонистонни минтақавий тараққиёт жараёнарига босқичма-босқич интеграция қилиш, иш ўринлари яратиш, таълим ва тиббиёт орқали ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшишга қаратилган стратегик лойиҳадир. У Ўзбекистоннинг таъши сиёсатида инсонпарвар ва прагматик ёндашувини амалда намоён этади. Марказ орқали савдо ҳажми ортиб, инфратузилма янгиланмоқда, маданий алоқалар мустақамланмоқда ва энг муҳими — тинчлик сари ишончли қадам қўйилмоқда. Термиз эндиликда ҳаритадаги оддий нуқтадан ташқари, минтақавий ҳамкорлик ва тараққиётга хизмат қилаётган муҳим марказ сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳуמוюн НИЗОМИДДИНОВ,
“Hurriyat” муҳбири.



ТАЪЛИМ

МАСЪУЛИЯТ, ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ

(Андижон давлат тиббиёт институти ташкил этилганига 70 йил тўлди)

Соғлиқни сақлаш тизимида жиддий ислохотлар кечмоқда. Ушбу жараёнда Янги Ўзбекистон тиббиётини янада такомиллаштириш ва малакали кадрларни тайёрлаш муҳим вазифа этиб белгиланган. Бу борада Андижон давлат тиббиёт институти ҳам нафақат Республика, балки халқаро миқёсда шифокорларни етиштириб беришда етакчилик қилади.

Таъкидлаш жоиз, институтимиз йилдан-йилга ҳар тарафлама ривожланиб бормоқда. Таълим сифати, илмий даража ва унвонларга эга бўлган устозларнинг сафи кенгайётганлиги, нафақат маҳаллий, балки хорижий талабаларнинг сони ортиб бораётгани бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Институтимизга 1955 йилдан 2015 йилга қадар қабул қилинган талабалар сони 31044 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 11 000 нафардан зиёд талабалар таҳсил олмоқда.

Ўқитувчилар сони жорий йилда 967 нафарни ташкил этади. улардан 65 нафари фан доктори бўлса, 254 нафари фан номзодларидир.

1955-1964 йилларда 5 та тиббиёт фанлари доктори, 2 та тиббиёт фанлари номзоди лияти учун диссертация ҳимоя қилинган бўлса, 2024 йилда 62 тадан зиёд тиббиёт фанлари доктори ва тиббиёт фанлари бўйича фалсафа докторлиги учун ҳимоялар ўтказилди. Бу эса, албатта, талабаларга сифатли таълим бериш имкониятини ҳам оширади.

Қолаверса, институтимиз профессор-ўқитувчилари хорижий муассасаларда малака ошириб келмоқда. Биргина 2024 йил мисолида айтганда 29 нафар ўқитувчимиз Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея давлатларининг нуфузли олий таълим муассасалари ва клиникаларида малака ошириб қайтди. Хорижлик мутахассислар ҳам институтимизга келиб, ўқитувчилар билан маҳорат ва тажриба алмашиб, талабаларга маърузалар ўқимоқда.

Бугунги кунда Андижон давлат тиббиёт институти хорижнинг етук тиббиёт олий таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Йилдан йилга алоқалар доираси кенгайиб бормоқда.

Андижон давлат тиббиёт институти ҳозирга қадар 60 дан ортиқ хорижий тиббиёт университети, институт, клиникалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Ҳозирда жами 105 та халқаро шарт-



нома мавжуд.

Жорий йилнинг 30 апрель куни институтнинг 70 йиллиги муносабати билан “Профилактик тиббиётда илғор инновацион технологияларни қўллаш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликларида вакиллар, республикамиздаги тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлар ҳамда хориждаги нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари, профессорлар онлайн ва офлайн тарзда иштирок этди.

Халқаро илмий-амалий анжуманда Россия Федерацияси, Швеция, Туркия, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғизистон давлатларидан 40 нафардан зиёд мутахассислар қатнашди.

Тadbир меҳмонлари институтимизнинг тарихи ва бугуни ҳақида сўз юритиб, улуғ устозлар хотирасини ёдга олди. Мен ҳам ушбу институтнинг собиқ талабаси сифатида айтиб ўтишим жоизки, бугунги эришилаётган ютуқлар бу, албатта, барчамизга билим берган устозларнинг фидокорона меҳнати ёрқин натижасидир. Ҳозирда ҳаёт бўлиб, биз билан елкама-елка меҳнат қилаётган устозларнинг қўллаб-қувватлаши бизга катта куч беради.

Анжуман давомида шундай бир ажойиб воқеа бўлдики, бу эътироф шахсан менга катта масъулият юқлайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига биноан

“Халқ саломатлиги посбони” кўркак нишони билан тақдирландим.

Шунингдек, анжуман доирасида Россия Федерациясининг А.В.Вишневский номидаги миллий тиббий тadbиркор жарроҳлик маркази директори ўринбосари Мадина Кадинова Александр Васильевич Вишневский номидаги медални тақдим этди.

Мазкур медаль Федерал давлат бюджет

муассасаси А.В.Вишневский номидаги миллий тиббий тadbиркор жарроҳлик марказининг олий мукофоти бўлиб, у таниқли жарроҳлар, олимлар ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиларига берилади.

Ушбу эътирофлар ва ишонч учун чексиз миннатдорлигимни билдираман. Институтимиз жамоаси билан биргаликда янада улкан марраларни забт этишга, соҳанинг етук мутахассисларини тарбиялашга сидқидилдан ҳаракат қиламан.

Институтнинг 70 йиллик тантанасида институтимизда узоқ йиллардан бўён фидокорона меҳнат қилаётган устозлар, ўзларининг фаоллиги, интилувчанлиги билан жамоамизга ўрнатган бўлаётган ёшлардан жами 40 нафардан зиёд ходимларимиз муносиб тақдирланди.

Андижон давлат тиббиёт институтининг 70 йиллигида талабалар жамоаси ҳам фаол бўлди, десам, муболага бўлмайди.

Институтнинг 70 йиллигига бағишланган Анатомиа ва Гистология бўйича II халқаро олимпиада, “Морфология байрами” ҳам бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси, Қозғистон, Қирғизистон Республикасидан ва мамлакатимиздаги тиббий олий таълим муассасалари талабаларидан иборат, жами ҳисобда 10 та жамоа иштирок этди.

Олимпиада рус ва инглиз тилида бўлиб ўтди. Хорижий мамлакатлардан олимпиада учун 14 нафар етакчи морфологлар ҳайъат аъзолари сифатида қатнашди. Унда талабалар



таништирув, савол-жавоб, амалий машғулот каби шартлар бўйича беллашди.

Мазкур олимпиадада талаба-ёшларнинг бир жамоа бўлиб иштирок этишлари катта ютуқ деб биламан. Бу уларнинг ўз имкониятларини синовдан ўтказишлари кенг тажриба майдони бўлди. Олимпиада чинакам дўстлик, бирдамлик байрами бўлди. Якунда эса энг билимдонлар аниқланиб, қатор номинациялар бўйича уларга кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўйлайманки, бу каби дўстлик ришталари келажақда мустаҳкам халқаро ҳамкорликларнинг дебочаси бўлиб хизмат қилади.

Институтимизнинг 70 йиллиги муносабати билан кўп сонли жамоамиз, кадрли профессор-ўқитувчилар ва азиз талабаларимизни самимий кутлайман.

Бу каби тантаналар институтимизда кўп бўлсин ва уларда сафимиз ҳамisha кенгайган ҳолда қатнашиб юриш барчамизга насиб этсин!

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори,
профессор.



ХИЁНАТ ИСКАНЖАСИДА

ёки машҳур қизикчи Муҳиддин Дарвешовни нима учун қамоққа олмоқчи бўлишган эди?

1-6

Минг таассуфки, орадан 40-50 йил ўтиб ҳам ўша машъум воқеаларнинг муҳим унсурлари (лаънати "училик"нинг думлари) сақланиб қолганлигига гувоҳ бўлган эдим ва қўлида унинг бир мисоли тафсилоти хусусида сўз боради.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошлари. Ўша вақтлари театрда эммадош бўлиб ишлар эдим. Ҳамза номидида Кўқон муқофалари драма театри бош режиссёри Содиқжон Ҳалимов эрталабки қисқа мажлис бошланмасдан мени ёнига чорлаб, қўлоғимга аста шипшиди: "Тезда "горком" (шаҳар партия комитети) га етиб бордин, кутиб туришибди". Мен ундан: "Нима масалада?" деб сўраганим: "Борсангиз биласиз, масала жиддийга ўхшайди", — дея мени эшиккача кузатиб қўйди.

Театрдан чиқиб, шаҳарнинг "Чорсу" майдонидаги матбуот дўконидан ўша пайтларда оммалашган "Аргументы и факты" ҳамда "Труд" газеталаридан харид қилиб, автобусга чикдим. Йўл-йўлакай газеталарни арақлаб, "горком"га етиб бордим. Бино ичкарисидаги гардеробнинг ёнбошида машҳур сўз устаси Муҳиддин қизик Дарвешов ўтирган экан. У билан саломлашиб: "Ҳа, ака, тинчликми?" дея сўрадим. У маънос тарзда қўлидаги туғунни бироқ юқорида кўтариб: "Шоир Усмон Носир борган жойларни бир "зиёрат" қилиб келасиз, дейишяпти", деди.

Шу тобда ёнимга "горком"нинг бир шотири келиб: "Юра қўлинг, сизни пойлаб туришибди", дея мени бир хонага бошлаб кирди. Хонада 5-6 нафар киши жамланган, тўрдаги столда ўша даврда "горком"нинг биринчи котиби бўлган Ҳасим Мусабоев ўтирган эди. Мен салом бериб, бўш жойлардан бирига ўтирдим. Котиб мени таништира бошлади. У исми-шарифини айтиб, мутахассислигини филолог, театрда адабий эммадош вазифасида ишлаганини қўшимча қилди. Сўнг кун тартибидида масалага тўхталиб, бир қарашда чала ўзбекроқ кишига қарата: "Қани, бошланг", дегандай имо қилди. У обдан партия ва ҳукумат гамхўрликлари хусусида маддоҳлик қилган, ниҳоят, қўлидаги қоғозларни силтаганча сўз бошлади:

"Бугунги йилгилишимиздан мақсад нафақат зиёлар, шоир ва адиблар юрти Қўқонимиз, балки танти деҳқонлар билан донг таратган Фаргона вилоятимиз, жонажон Ўзбекистонимизни бутун Иттифоққа шарманда қилган Муҳиддин Дарвешовнинг сиёсий қалтабчилиги, хусусан, доно йўлбошимиз, партияимиз бош котиби Михаил Горбачевни омма орасида махсара қилганини муҳокама қиламиз. Яъни, Муҳиддин Дарвешов Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида бўлиб ўтган тўй маросимига қатнашиб, ўз хангомасида Бош котибни хўрозга ўхшатган. Бу хусусида маҳаллий партия фаоллари Москвага — Марказий комитетга мурожаат қилиб, айбдорни қаттиқ жазога тортишни сўраган. Мурожаат "Марказком"нинг қаттиқ назоратида турибди".

Ушбу масалага бугун нуқта қўйиш, айбдорга муқаррар жазо тайинлаш мақсадида бу ерга шаҳар прокурори, Давлат хавфсизлиги комитети (ГКБ)нинг махсус вакили, шаҳар маданият бўлими бошлиғи ва мутахассис сифатида мен қақирилганимни билдирди ва сўзни прокурорга берди.

Беъхшов семирганидан бўйни елкасига ёпишиб кетган прокурор ўтирган жойидан гапирдим ёки турибми, ростки, унча англамадим. Лекин у Муҳиддин қизик ҳурматли Михаил Сергеевич Горбачев устидан маза қилганини гўёки унинг гапларини тўйда ўз қўлоғи билан эшитгандек тарзда сўзлай кетди. "Тасаввур қилинг, тўйда тумонат одам. Муҳиддин Дарвешов одамларни қулдираман деб, нималар деб валдиради, денг. У: "Мана, давлатимиз тепасига рахбар бўлиб, асл хўроз йигит келди. Туришини, гердайишини қаранг, ўзимизнинг асл дакан хўрозга ўхшайди-ей, азамат", деди-я! Қизикчи бу билан Горбачевнинг пешонасидаги қизил доғдан юмор чиқариб, унинг устидан қулмоқчи бўлди.

Бу ҳолат қонунчилигимизда давлат раҳбари шайини обфусизлантириш сифатида қаралади ва жиноят кодексларининг фалон-пистон моддаларига кўра 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этишга асос бўлади. Агар ушбу мажлис протоколи бугун тайёр бўлса, бугунроқ, бўлмаса, эртага айбдорни қамоққа олиш бўйича ордер бераман", деди.

Кўзлари уккинкига ўхшаш, афт-ангоридан жо-

ҳил кимса эканлигини бир қарашда англаш мумкин бўлган "КГБ" вакили ҳам домласи ўргатган гапларни гоҳ русча, гоҳида ўзбекча гапириб, ниҳоясида: "Муҳиддин Дарвешовни қамоққа тиқиш керак", дея хулоса қилди. Энг ошиб тушгани шаҳар маданият бўлими бошлиғи (бу ёғи ўзбекчилик, исми-шарифи рамзий маънода Шоди Узоқов бўла қолсин)нинг билдирган фикрлари бўлди. Унга кўра: "М.Дарвешов сингари сиёсий қалтабинларни, ўртоқ прокурор, мажлис якуини кутиб ўтирмасдан ҳозирроқ ҳибсга олиш керак. Токи бу бошқаларга ибрат бўлсин. Ўзи шунга ўхшаш масалаларда "горком"га чиқмоқчи бўлиб юрۇвдим", деди-да, биринчи котибга зимдан: "Маъқулли, гапларим?" дегандай қараб қўйди. "Ҳа, айтганча, Муҳиддин Дарвешовнинг тушунтириш хатлари, айбига қисман иқдорлиги хусусидаги махсус папка "горком"га берилган", дея гапини тугатди у.

Бу гумроҳлар бири қўйиб, бири олиб, миллиатиимизнинг иқтидорли вакилини қамоққа тиқиш мақсадида чираниб гапиряпти-ю, кўз ўнгимда юпун қийинлик, дор остида ўз ўлимини кутаётган жадидчи болаларимизнинг маънос сиймолари гавдаланди ва томоғимга аччиқ бир нарсга тиқилгандай бўлди. "Нақадар тубанлик!" дедим ичимда. Ниҳоят, сўзлаш навбати менга берилди. Англадимки, бу тоифадаги кимсаларга гап уқтириш осон кечмайди. Шу боис гапини сал узоқроқдан бошладим:

"Мана, ҳаммамиз ўзбек оиласида туғилиб, ўсиб, таълим ва тарбия олганмиз. Ўйлашмича, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиздан ҳаммамиз етарлича хабардоримиз. Яъни, оталаримиз, амакиларимиз қачондир бизни "тойчоқ ўғлим", "той бола", "хўроз йигит", "ўғлимиз қўчқордек бақувват-да", дея суйиб-эрқалашган. Тўғрими? — дея ўтирганлардан гапини тасдиқлаб ҳам олдим. — Қолаверса, бундай ўхшатишлар "цензурадан ўтган" бадий адабиётларда ҳам қалашиб ётибди. Демак, Муҳиддин Дарвешов ҳам шу русумдан келиб чиқиб, Михаил Горбачевни хўрозга менгаган бўлиши мумкин.

Шу нуқтага назардан қараганда, унинг гапларида Михаил Горбачев шайини ерга урадиган белгилар йўқ", дедим.

Шу тобда "КГБ" вакили гапини бўлиб нимадир демоқчи бўлувди, табиатан чўрткесар биринчи котиб унга қарата: "Ўзингизни қўрак қилиб туриг, вақти келганда очасиз", деди. Шунда мен Ҳасим Мусабоевдан: "Муҳиддин Дарвешов партия аъзосими?" деб сўрадим. У ялт этиб шаҳар партия комитети йўриқчилига қаради. У эса: "Муҳиддин Дарвешов партия аъзоллигига ҳали қабул қилинмаган. Уни "Еф-мой комбинати" партия ячейкаси партияга номзод қилиб кўрсатган", деди.

Шунда мен йилгиланларга қарата: "Халқимизнинг асл анъанасидан гофил бир-икки кимсаннинг мурожаати деб, иқтидорли бир одам ноҳақ жазога тортилса, инсофдан бўлмайди. Қолаверса, аския, қулги ва ҳазилга мойил халқимиз. Муҳиддин Дарвешов гираз аралашмаган гапи учун қамалиб кетса, муқаррар таъна-дашномга қоламиз. Мақсад — Муҳиддин Дарвешовга жазо бериш керак бўлса, у партия сафида бўлишга нолойиқ, дея хулоса қилайлик ва номзодлик макомидан маҳрум қилинсин. Осони шу, сих ҳам, кабоб ҳам қуймайди", дедим.

Бу гапларимдан кейин "КГБ" вакили ва прокурор бирварақайига менга ўдағайлаб қолди. Улар вайсай-вайсай бироқ тингач, қўлим остида турган газеталардан бирини "КГБ" вакилига, иккинчисини прокурор томонига стол устидан сирпантириб юбордим. Сўнг уларга қарата: "Агар кимнидир қамоққа тиқиш зарур бўлса, аввал миллион-миллион нусхада чоп этиладиган қўлингиздаги манави газеталарнинг биринчи саҳифасида Михаил Горбачевни "қоллаб" қилган расм ва муаллифларни қамаш керак", дедим.

"Аргументы ва факты" газетасининг ўша сониде Михаил Горбачевнинг сурати қоллаб қилиниб, унинг боши ўзиники, гавдаси эса ҳайвон шаклида акс эттирилиб, унинг яғир елинидаги сон-санқосиз "тугмачалар"ни пашша ва чинилар талаб ётарди. "Труд" газетасида эса бундан баттари қоллаб қилинган эди. Иккаласининг дами ичига тушиб кетди. Уларнинг газета тутган қўллари қалтираётганини кўрган биринчи котиб мийиғида қулганча жим турарди.

Сўнг "КГБ" вакили: "Бу ёлгон, тузум душманлари газетани яширин цехда босиб чиқарган. Бу ишнинг тағига етамиз", деди. Мен эса унга қарата: "Бу сизларнинг бирламчи вазифангиз, лекин даврий матбуотдан, шунингдек, жамиятдаги ошқоралиқдан бироқ хабардор бўлиб турсангиз, бир инсон тақдирини ҳал бўлаётган масалаларда асқатиб қолади", дедим. Шундан сўнг вазият юмшаб, йилгилиш қарорига кўра Муҳиддин қизик Дарвешов партия сафига қабул қилинмайдиган бўлди. Жайдарича айтганда, қизикчи партия билетини бир умр тушида ҳам кўрмайдиган бўлди.

Йилгилиш тугаб, ҳамма тарқаётган маҳал биринчи котиб бироқ кутиб туришимни сўради. Унинг чехраси ёришиб, тақрор ва тақрор: "Яхши иш бўлди-да, акси бўлганида виждонимиз олдида бир умр азобда қолар эдик-а!" каби сўзлар билан ўз-ўзига таскин берар эди. У мен билан самимий хайрлашаётди: "Вақт топиб, албатта, театр жамоаси билан учрашиб келаман, ҳозирча сизга катта раҳмат!", дея қўлимни сиқиб қўйди.

Ташқарига чиқсам, боягина Муҳиддин Дарвешовни қамоққа тиқиш борасида жонбозлик кўрсатиб турган Шоди Узоқов "салкам маҳкум"ни авраб турган экан. У мен бораётган томонга тескари тургани учун уларга яқин борганимни сезмай, гапида давом этарди: "Мана, Муҳиддин ака, сизни нақ "Тоштурма"нинг эшигидан қайтариб келдим. Бу ёғига хушёр бўлинг, кейинги сафар отиб ташлашса ҳам ўртангизга тушмайман", дея гапирётган эди. Унинг бу гапидан ўта хунобим ошиб: "Нималар деб валдираяпсиз? Жайдари қилиб айтганда, гирт "иккиюзламачи" экансиз-ку, уялмай-нетмай ёлгон гапираяпсиз-а", деганимни биламан, у шитоб билан ўзини оломон орасига урди.

Кейин Муҳиддин акага воқеа тафсилотларини қисқача айтиб бердим ва унга Шоди Узоқов қабилардан эҳтиёт бўлишини тавсия қилдим. Қизикчи ўзига хос табассум ва шевасида: "Қаранг, мен бўсам, хотин, бола-чақалар билан хайрлашиб, "шу кетганча камида беш йилда қайтаман", дея уйдан манави туғун-бўғчалар билан чиққан эдим. Аслида, бу шум хабарни менга етказган ҳам Шодининг ўзи бўлади. Номард! Дунёда яхши одамлар қўп-а?! Сизга раҳмат! Юринг, энди катта боғнинг бурчагидеги "Аноргул" кафега бориб, чойлашамиз", дея тақлиф қилди. "Раҳмат, ака, элнинг хизматини қилиб, асло чарчаманг. Сиз, яхшиси, бир таксига ўтириб, тез уйингизга бординг, яқинларингиз ҳам хавотир олиб ўтиришгандир", деб у билан хайрлашдим.

Айтганларимга яхши бир қўшимча: ушбу воқеа содир бўлгунга қадар: "Бутун шаҳар маданияти соҳасига бошдан-оёқ мен масъулман", дея театрнинг репертуаридан тортиб, артистларнинг, таъбир жоиз бўлса, кийим-кечагигача бурини суқадиган шаҳар маданият бўлими бошлиғи шу бўйи театр билан алоқасини батамом узди. Халқ қизикчиси, раҳматли Муҳиддин қизик Дарвешов эса мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ҳам ҳормай-толмай юртдошларимизга қулги ва табассум улашиб, баракали ижод қилди.

Сўхбатларнинг бирида Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов: "Раҳматли Муҳиддин қизик халқимизга узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилди. Унинг ичкакузди хангомаларидан тоза танамиз яйраб, руҳимиз қувват олган. Ҳажвчилигимиз пири комили, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳам Муҳиддин қизикнинг иқтидорига тан бериб: "Башарти у ҳажвчи-ёзувчи бўлиб қолганида, биз қабиларга умуман нон қолмасди", деганди.

Ҳа, чиндан ҳам Муҳиддин Дарвешов халқ қизикчиси эди. Аммо унинг меҳнатлари шўролар даврида ҳам, кейинчалик ҳам қадрланмади. Ҳатто бироқ "қўрак нишонига" муносив қўрилмади. Аксинча, унинг ичкакузди хангомаларидан кир қидирган баъзи бир шўртумшўқлар халқ қизикчисини ер билан битта қилишмоқчи бўлишди. Аммо Аллоҳ асрайман деса, бандаси ҳеч нарсга қила олмас экан.

Машҳур санъаткор 1938 йилда Бувайда туманида туғилиб, 1995 йилда вафот этди. Гарчи узоқ умр кўрмаган бўлса-да, у ўзбек қизикчилиги мактабини яратган инсонлардан бири эди.

Сандолим ХАЙДАРОВ,
журналист.


СУРАТЛАРДАГИ ТАРИХ



ЖУРНАЛИСТ БИСОТИДАГИ ЖАВОҲИР

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 80 йиллиги олдида Самарқанд журналистикаси отахонларидан бири Облоқул Усмонқулов бундан 61 йил аввал олинган суратларни бизга тақдим этди.

Суратлар орасида 1964 йилда олинган, тарихий шахс ва миллий қаҳрамонларимиздан бири — Шоаҳмад Шомаҳмудов сиймоси ўрин олган тарихий фотосурат диққатимизни тортди.



Шоаҳмад ота "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетаси муҳбири Облоқул Усмонқулов билан бирга.

— Бу сурат Ғалабанинг 20 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги "Зарафшон" меҳмонхонасида туширилган, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонқулов. — Байрам муносабати билан Самарқанд шаҳри ва вилоят бўйлаб уруш даврида 16 нафар етим боланинг бошини силаб, ҳар бирини оқ ювиб, оқ тараган, болажон ва меҳрибон халқимизнинг тимсолига айланган Шоаҳмад Шомаҳмудов билан ўтказилган учрашув унутилмас ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган эди.



Шоаҳмад ота билан сой устида суҳбат.

"Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетаси тахририятидаги учрашув, айниқса, эсда қоларли бўлган.



Шоаҳмад ота билан "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетаси тахририятида учрашув.

Сиз суратда кўриб турган тахририят ходимлари (юқорида чапдан) Аҳмаджон Мухторов, Маликжон Наврозов, Суръат Орипов, Зайни Бахриев, Облоқул Усмонқулов, Ҳожиқурбон Ҳамидов, Исроил Мирзаев, Нормурод Нарзуллаев, Қаноқ Қодиров, Манноқ Нажмиддинов, (пастда чапдан) Василий Пушкарёв, Шоаҳмад Шомаҳмудов иштирокидаги бу учрашувда Шоаҳмад ака ўтмиши, фарзандларининг камолга етиб, ўз ўрнини топаётганини мароқ билан сўзлаб берган эди.

Шоаҳмад Шомаҳмудов ва у кишининг ёстиқдоши Бахри опа Акрамованинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлди. Ўша учрашувда бу икки жаннатини инсоннинг хайрли ишини давом эттирган каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ҳам қатнашган эди.

Шундан буён орадан қанча вақт ўтмасин, Шоаҳмад Шомаҳмудов, Ҳамид Самадовларнинг қаҳрамонликлари бугун ҳам одамлар ёдида. Уларнинг ватанпарварлик фаилатлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадий асар, кинофильмлар яратилди. Раҳмат Файзийнинг "Ҳазрати инсон" романи ҳамда "Сен етим эмассан" фильми бу ҳақдаги тасаввур ва тушунчаларимизни кенгайтиради.

Қувондик ХАЛИЛОВ,
"Самарқанд" газетаси муҳбири.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фулом АЛИЕВ
олган суратлар.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ:

РАҚАМЛИ ДУНЁДА ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИ

1-6

Аввало, қонун лойиҳасидан қўзланган энг асосий мақсад — Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар фаолиятини тартибга солиш, оддий фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Мазкур ҳужжат рақамли платформа ва веб-сайтларга бир қатор мажбуриятлар юклайди.

Биринчидан, қонун лойиҳасига кўра, онлайн платформалар ноқонуний контент — фейк хабарлар, наркотик рекламаси ёки таҳрирловчи материалларни тезкорлик билан ўчириши керак. Масалан, агар Сиз ижтимоий тармоқдаги бирор-бир саҳифадан шу мазмундаги постни кўрсангиз ва бу ҳақда хабар берсангиз, платформа уни ўчиришга мажбур бўлади.

Қонун лойиҳаси билан шахсий маълумотлар дахлсизлиги мустаҳкамланмоқда. Платформалар учинчи шахсларга фойдаланувчилар ҳақида маълумотларни унинг розилигисиз тақдим этмаслиги белгиланган.

Яна бир муҳим нуқталардан бири — онлайн-платформа фойдаланув-

чиларини молиявий характердаги муайян ҳаракатларни бажаришга алдов йўли билан киберфйрладан қалгитувчи интерфейслардан фойдаланиши тақиқланмоқда. Бу турли молиявий фйрибгарлик билан боғлиқ рекламаларнинг чекланишига олиб келади.

Қонун билан онлайн платформаларга ваколатли орган (АОКА) билан ўзаро алоқаларни олиб бориш учун Фуқаролик кодексига асосан ўзининг вакилини тайинлаш мажбурияти ҳам назарда тутилган. Бу Ўзбекистоннинг глобал миқёсдаги ижтимоий тармоқлар ва платформалар билан алоқалари мустаҳкамланишига, уларнинг Ўзбекистон қонунчилиги доирасида фаолият олиб боришига ёрдам беради.

Қонун лойиҳасида веб-сайтларга ҳам бир қатор мажбуриятлар баён қилинган. Энг аввало, веб-сайтлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида юрийтиши белгиланган.

Иккинчидан, веб-сайтларга шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни

ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юкланди. Бу турли ресурслар орқали аноним ҳабарлар, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга қаратилган материалларнинг тарқатилишига қарши курашга ёрдам беради.

Яна бир муҳим жиҳати — веб-сайтлар ноқонуний контент жойлаштирмаслиги ва уни тарқатмаслиги, унинг мавжудлиги аниқланган тақдирда сайт маъмурияти томонидан ўчирилиши лозимлиги белгиланган бўлади.

Бундан ташқари, ихтиёрий ҳомийлик маблағларини йиғишда қонунчиликка, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиш мажбурияти юкланмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, қонун лойиҳаси, биринчи навбатда, фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Унга

амал қилиш орқали тармоқлардаги кўпплаб салбий тенденциялар, ноқонуний ахборот тарқатилиши ҳолатларига қарши самарали курашиш мумкин.

Қонун лойиҳаси онлайн платформалар ва веб-сайтлар олдида аниқ мажбуриятлар қўймоқда. Бу сўз эркинлигини чеклаш эмас, балки тоза ва қонуний ўйин қоидаларини ўрнаттириш. Мазкур ҳужжат лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ахборот суверенитетини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ижтимоий тармоқлар ўз фаолиятини шаффоф ва қонунларга амал қилган олиб бориши натижасида янада хавфсизроқ, янада яхшироқ "рақамли муҳит"ни яратишисиз мумкин. Қонун лойиҳаси қабул қилиниши натижасида қонунчилигини бузган ресурслар ва платформаларга қарши самарали чоралар қўришга эришиш мумкин.

Нигора ХОДЖАЕВА,
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги бўлими
бошлиғи.

✓ МУТОЛАА

Сен борсанки...

Таниқли олим Тўра НАФАСОВ китобларидан руҳланган адибанинг савобли ишлари хусусида

У агар пойтахтда қолганида устозлари Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Абдуғафур Расулов, Талъат Солиҳовлар изидан бориб, илм йўлини танлаб, бугун камида фан доктори, профессор бўларди. Лекин тақдир экан-да, олис тоғлар бағридаги муъжазгина гўшада яшаётган бўлса-да, ижоддан, адабиётдан айрилмади. Ҳамон неча минглаб элдошларига маърифат улашяпти, ҳамиша уйғоқ, безовта қалби, ўткир қалами билан ҳаммага яхшилик соғиниб яшайтир. Уни танийсиз — таниқли ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медални соҳибаси Лола Ҳроқова!

Ўн кунча аввал муҳтарам устозим қаламига мансуб “Сен борсанки, мен ҳам ўлмайман...” китобини ўқидим-у, ҳаловатим бузилди. Нега? Нима учун?

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири:
“Ўзбекистонда Тўра Нафасовдек зукко ва фидойи олимлар борлигидан фахрланаман. Олимнинг Ўзбек Сўзи йўлида қилаётган залворли ва машаққатли изланишлари ҳақида ўйлаганимда, ҳар гал Амир Темур ва ҷумоли ҳақидаги ривоят эсимга тушади. Ҷумолидек тиришқоқ бўлган олимгина Ҳимолайдек улкан ва чўққиси кўринмас тоғ — Ўзбек тили ҳайбати олдига чўчмай, чўққи томон йўл излайди ва бутун йўли давомида ҳар бир гуёҳ, ҳар бир оғоч, ҳар бир тош сирини билишга интилади. Тўра Нафасов, ҳурматли Поён ака (таниқли адабиётшунос олим, адиб Поён Равшанов назарда тутилган — Н. Ж.) эътироф этганидек, “Ярим аср давомида 500 дан зиёд мақола, 30 га яқин китоб, дарслик, қўлланмалар яратди, минглаб шоғирдларга устозлик қилди, ўзбек тилишунослари орасида кўзга кўринган мартаба ва мақомга кўтарилди”...

2014 йил

Поён РАВШАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:
“Тўра Нафас ўз шахсида жамғарган билимга ҳайратланмай бўлмайди. Юртимиздаги аксар жой номлари энг камида 3 минг йиллик тарихга эга. Наҳшаб, Насфаб, Косон, Касби, Сарисоиб, Чақар, Денов, Искифган, Ғузор ва бошқа неча юзлаб топонимий истилоҳларнинг илмий маъини нақши учун ўнлаб фанларни, аввало, тарихни, географияни, этнографияни, фольклорни теран истифода этиш талаб қилинади. Манбаларнинг асарияти араб, форс, хитой ва рус тилида эканлигини ҳам назардан қочириб бўлмайди. Араб ёзувидан хабардор бўлмаган, форсий (аниқроғи, қадимги сўзбўй) тил моҳиятини англамаган тилишунос, ҳеч қачон жой номларини меъёрига етказиб ёхуд аслига монанд изоҳлай олмайдди. Бунинг учун Махмуд Қошғарий бобомиз жасоратини эслаш кифоя. Тилишунос олим ўз муҳотида таниқли бўлиши мумкин. Улар орасида сўзини изоҳловчилар, сўзшуносларгина элда машҳур бўладилар”...

Топонимлар, уларнинг келиб чиқиш, илмий ва лингвистик хусусиятлари тадқиқи бўйича атоқли олим, профессор Тўра Нафасовни эслаш баҳонасида мен беҳиз таниқли икки ижодкорнинг ул зот шахси, гўзал ижоди ҳақида ёзган самимий эътирофларини келтирмадим. Нега десангиз, айнан бугун Тўра Нафасов каби забардаст олимларнинг ўрни, қадри жуда билинб қолди. Тўғри, бугун ҳам уларнинг шоғирдлари, издошлари кам эмас. Бу борада изланишлар олиб бориляпти (масалан, таниқли шоир, публицист Эшқобил Шукурнинг ўзбек тилидаги сўзлар изоҳи бўйича олиб бораётган савобли саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ). Лекин...

Лола Ҳроқованинг “Сен борсанки, мен ҳам ўлмайман...” деб номланган китобини ўқидим-у, эсимга бирдангина ҳассос олим Тўра Нафасов тушди. Негадир кейинги йилларда бу инсон шахсан ўзи бош булган қанча эзгу ишларни унутиб қўйганимиз учунми, жой номлари, халқона сўзлар билан боғлиқ муаммолар ўртага тушаётгани сир эмас!

Энг ажабланарли жиҳати, интернет саҳифаларидан фидойи зот Тўра Нафасов ижоди, биографиясига оид маълумотларни қидириб ҳайрон қолдим: икки-учта мақолаи инобатга олмаганда, деярли пичоққа илинадиган нарсалар йўқ. Мана сизга илм аҳлига бўлган эътибор! Ахир ҳассос домламиз умрининг энг гуллаган олтин даврини битта мавзу — сўзлар ва жой номлари тадқиқига бағишлагани ва илм соҳасида ўзига хос қомус яратиб кетганини нима учун тарғиб этмаслигимиз керак? Интернетни кузатинг, санъат ёки журналистика оstonасига яқин келолмаётган айрим отарчилар ё микрофон, телефон кўтарган блогерлар ҳақида исталганча ғиж-ғиж хато маълумотлар тўлиб-тошиб ётган бир пайтда нега фидойи олимнинг бебаҳо тадқиқотларини кўпроқ тарғибот қилишга шошилмаяпмиз? Унинг бизга қолдириб кетган маданий меросини ҳар қандай бойлик, мезон билан ўлчаш мумкин.

Яна савол туғилади: хўш, Тўра Нафасовнинг биз тилга олаётган бебаҳо китобларини бугун топиш мумкинми? Афсуски, йўқ!

Бу мавзуда гап очилганида Лола Ҳроқова шундай деди: “Иш фаолиятимда жуда керак бўлгани



учун ушбу китобларни роса қидирдим. Ишонсангиз, сўрамаган одаим қолмади. Дуконларда қолмаган. Бу китобларнинг бири 1988 йилда, иккинчиси 2009 йилда чоп этилган. Ҳатто Китоб туманидаги кутубхоналардан ҳам топилмади. Ҳаёлимдан, шу китобларни қайта чоп этишса бўлмасмикан, деган фикр ҳам ўтди. “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати”ни фахрий ўқитувчи, шоир Ҳикмат Самадовнинг шахсий кутубхонасидан топдим. Буни қарангки, раҳматли устозимизга Тўра Нафасовнинг ўзлари даст-хат ёзиб берган экан. “Қашқадарё кишлоқномаси”ни эса маҳалла раисларидан бирида борлигини эшитиб, бир неча марта боғладим. Кимдир олиб кетган экан, қайтариб бериши қийин бўлди. Ўйлашимча, бу китоб фақат мутахассисларга эмас, ҳаммага керак. Чунки ҳар ким ўзи яшаётган қишлоғи, маҳалласи, кўчаси номланиш тарихини билишни хоҳлайди. Ва ниҳоят Муборак тумани ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси — ҳамкасбим Ҳазрат Элов менга ана шу ажойиб китобни топиб берганида бошим осмонга етди!

Тўғриси айтсам, Тўра Нафасовнинг ушбу китобларини ва яна Суюн Қораевнинг “Ўзбекистон вилотлари топонимлари”, Носиржон Охуннинг “Жой номлари таъбири”, Эрнст Бегматовнинг “Жой номлари — маънавият кўзгуси” китобларини ўқиб, топонимлар ҳақида тасаввурим бойиди, қўллаб маълумотларга эга бўлдим. Уларни яратиш игна билан қудуқ қазийдек машаққатли иш эканини ич-ичимдан ҳис этдим ва менда топонимларга қизиқиш ортди. Туманимизда яшовчи зиёлилардан, қайонилардан қишлоқлари иш эканини ич-ичимдан ҳис этдим ва менда топонимларга қизиқиш ортди. Туманимизда яшовчи зиёлилардан, қайонилардан қишлоқлари иш эканини ич-ичимдан ҳис этдим ва менда топонимларга қизиқиш ортди.

Шу тарихка тумандаги юзга яқин географик объектлар ҳақида маълумотлар тўпланди. Уларнинг асарияти эл орасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлардан иборат эди. Баъзан бир жой номлари бўйича икки-уч хил изоҳлар бўлди. Булар жуда қизқарли ва қай бир жиҳати билан шу манзилга ишс келарди. Айримлари манбаларда акс этган маълумотга яқин, бошқаси бирмунча фарқ қилди. Барибир туманимиздаги жой номлари тарихи бўйича бизга асосий манба Тўра Нафасовнинг катта илмий қувватга эга “Қашқадарё кишлоқномаси” китоби бўлди.

Яна бир эътиборга молиқ жиҳати, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан икки жилдлик “Ўзбекистон жой номларининг изоҳли лугати” китоби ҳам чоп этилди. Унда ҳам юртимиздаги юзлаб жой номлари ҳақида жуда керакли маълумотлар бор...”

Демак, топонимлар ҳақидаги китоблар мутахассислар учун ҳам, бошқа қизқувчилар учун ҳам жуда керак. Масалан, баъзан қўпол туюлган қайсидир бирор номни ўзгартириш талаб қилинади. Уни асослаш учун ҳам манбага суяниш керак. Ёки маҳаллаларда янги ташкил этилаётган кўчалар ва бошқа объектларга таклиф қилинаётган айрим тарихий деб ҳисобланган номларнинг қанчалик қонунга мувофиқлигини аниқлашда ҳам биринчи навбатда биз бугун эслаётган муҳтарам олимимиз Тўра Нафасов қолдириб кетган нодир манбалар (жумладан, домланинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати”, “Қашқадарё кишлоқномаси” китоблари), топонимларга оид бошқа қўлланмалар жуда зарур бўлади. Манба орқали жой номининг тарихийлигини, аҳамиятини, маъно-мазмунини англаш ва тушунтириш осон бўлади. Эҳтимол, айрим ҳудудларда жой номларининг бўлар-бўлмас ўзгартрилиши топонимларга оид манбаларнинг етарли эмаслигига, топонимларнинг аҳамияти ҳақида маълумотларнинг камлигига ҳам бориб тақалар.

Бир пайтлар Фарғонада Раҳимжон Раҳмат деган қалами ўткир, тили аччиқроқ ижодкор дўстимиз ўзи туғилиб ўсган, йирик ўзбек уруғлари номларидан бири Қирқлар деб аталган қадимий

қишлоғи иккига бўлиниб, ярми Зарафшон, ярми Ҳикмат деб ўзгартрилганида ижтимоий тармоқларда: “Бу қандай мантиқсизлик, иккала атаманинг ҳам бу ҳудудга нима алоқаси бор, халқдан бир оғиз сўрадингларми?” деб қанча ёзиргани эсимда.

Ёки, узоққа бормайлик, Тошкентнинг ўзидаги неча юзлаб кўча, маҳаллалар номларини эшитсангиз, ёқа ушлайсиз, булар қандай ўйлаб топилганига одамнинг ақли етмайди. Барибир ҳар қандай вазиятда ҳам, айнқиса, бирор жойга ном қўйилаётганида биринчи навбатда ана шу ном ва атаманинг тарихий илдизи, мазмун-моҳиятига илмий нуқтаи назардан ёндашиш керак.

— Ушбу долзарб масалага кейинги пайтларда давлат миқёсида анча жиддий ёндашилаётганини ҳам таъкидлаш лозим, — деди ҳозирги кунда Китоб тумани ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасини ҳалол адо этиб келаётган Лола Ҳроқова гурунгимиз орасида. — Эсимда, бундан 10-12 йил олдин ёлпасига жуда қўллаб жой номларини шошма-шошарлик билан алмаштириш топшириғи бўлган ва қанчаси зўрма-зўраки ўзгартрилган эди. Лекин бу каби қўпол хатоликларга энди йўл қўймаслик учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан жиддий ишлар олиб борилмоқда. Ҳукуратимиз ноўрин алмаштирилган тарихий номларни тиклаш бўйича ҳам амалий чоралар кўрмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Масалан, бизнинг туманимизда қонунга номувофиқ деб ўзгартрилган 6 та географик объектнинг тарихий номи қайта тикланди. Очигини айтганда, ўзбошимчалик билан ўзгартрилган янги номларнинг кўпини улус барибир қабул қилолмади, ҳатто расмий ҳужжатларда қандай ёзилган бўлса ҳам, эски, қадимий тарихий номи билан айтилаверди. Мисол учун, ўшанда Қўсам (кексалар саҳоба Қўсам ибн Аббосга боғлашади, устига-устак, Қўсам ота қабристонига ҳам бор) қишлоғи Қўрқли, Қўшбоши эса Сарбонтена деб ўзгартрилди. Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам бирор киши янги номларни тилга олмади. Демак, халқ асраб-авайлаб келаётган қадриятларга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак экан...

Дарвоқе, Лола опамиз китобида қайд этганидек, ҳар бир миллат ва элат тилидаги сўз бойлигининг каттагина қисмини жой номлари — топонимлар ташкил этади. Топоним мазмунинда ўша ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, табиий шароити, ўсимлик ва ҳайвонот олами, улуснинг касб-кори, этник мансублик қайсидир кўринишда акс этади. Қўп бора гувоҳ бўлганмиз: ҳар қандай жой номида ўша ҳудудда яшаётган аҳоли тўғрисида муайян маълумотлар бўлади. Табиийки, йиллар, асрлар ўтиши натижасида товуш тушуши, алмашиши, қўшилиши ёки бошқа сабаблар билан айрим жой номларининг асл шакли ўзгариб, мазмунини йўқолиб кетса-да, лекин қадимдан сақланиб келаётган маданий бойлик сифатида қадр-қиммати сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам одамлар яшаб турган манзиллари номи дабдурустдан ўзгаришини хоҳламайди.

Лола Ҳроқованинг она тилимиз ва топонимларга оид турли нашрларда чоп этилган мақолалари жамланган “Сен борсанки, мен ҳам ўлмайман...” номли китобида Тўра Нафасовдан илҳом олганини сезилиб турибди. Менинг назаримда, бу китоб фақатгина давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилар учунгина эмас, балки барча соҳа вакиллари учун ҳам ниҳоятда зарур. Негаки Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг географик объектларга оид қарорлари, кўрсатмалари ва топшириқлари ижросини таъминлаш фақат шу қатламга тааллуқли, деб ўйласак, хато бўлади.

Ниҳоят, муаллиф ҳисобидан (“Oltin meros press” нашриёти) чоп этилган бу ажойиб китобни обдан ўқиб чиққач, сўнгги саҳифада қайд этилган адади (200 донатига)ни кўриб... мутаассир бўлиб қолдим! Нега десангиз, азалдан илму маърифат бобида бошқа ҳудудларга намуна бўлиб келган алломалар юрти, аҳоли нуфуси тўрт миллионлиқ довонга етаётган Қашқадарёдай бой ва улкан салоҳиятга эга вилотлар (асосан, Китоб туманидаги айрим қишлоқларга оид қимматли маълумотлар акс этгани учун) битта каттароқ маҳаллада (мактаб ё бошқа таълим муассасаларини қўя туринг) ҳам ушбу қўлланмабоп нашр мухлислари бисёр эканини таъкидлаш шарт эмас. Демак, турли номлардаги ҳар бир ҳудуднинг ўтмиши билан боғлиқ ва халқимизга нафи тегиши мумкин бўлган бундай нарҳимас, қадри қimmatроқ китобларни кўпроқ ададада, асосийси, энг сўнгги замонавий дизайн услубларида чоп этиш фурсати етди.

ДАРВОҚЕ: Лола Ҳроқованинг “Сен борсанки, мен ҳам ўлмайман...” китобини варақлаяман-у... сўз заргари, жой номлари таҳлили ва тадқиқотлари билан илм дунёсида ўзига ҳайкал қўйиб кетган Тўра Нафасов таваллуд топган Зарафшон тизма тоғлари ён бағридаги Давтош қишлоғи ҳам мен учун нақадар азиз эканлигини англаб, киприкларим намланди. Икки дунёлари обод бўлгур отам ва онам билан қадим манзиллар бўлмиш Жом, Қалқама, Оқчава, Лангар, Говхона, Тарағай, Тутли, Оёқчи, Минжир, Бўгажил, Сарой қишлоқларидан неча ўн мартабало гоҳи оташак, гоҳи уловларда ўтиб-қайтган болалик йилларим ёдимга тушди ва донишманд зот ҳақида дуолар қилдим.

Норқобил ЖАЛИЛ

✓ ХОРИЖ

ПУТИН УКРАИНА БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Россия президенти Владимир Путин Украина ҳукумати билан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини бошлаш таклифи билан чиқди. Бу ҳақда “France 24” наشري маълум қилмоқда.

Томонлар ўртасидаги мулоқот жорий йилнинг 15 май кунини Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилиши мумкин.

Расмий Кремль ўз баёнотида музокараларни “зиддиятчи тўхтатиш йўлида реал имконият” деб баҳолади.

Путин Туркия етакчиси Ражаб Тойиб Эрдоған билан боғланиб, муҳокамалар учун Истанбулни воситачилик майдонига айлантиришни сўраган.

Украина раҳбари Владимир Зеленский РФнинг бу таклифини диққат билан кўриб чиқишини маълум қилди. Шунингдек, у 12 майдан бошлаб 30 кунлик шартсиз сулҳ эълон қилишни таклиф қилди. Украина томонининг позициясига кўра, ҳар қандай мулоқотдан олдин ҳарбий ҳаракатларни вақтинча тўхтатиш зарур.

Зеленский сулҳни музокараларнинг бошланиши учун муҳим шарт деб атади ва Россиянинг муносабатини қутаётганини айтган.

ҚИРОЛЛИК ТРАМПГА САМОЛЁТ ҲАДЯ ҚИЛМОҚЧИ

“IRNA” ахборот агентлигининг ёзишичи, Қатар қироллик оиласи АҚШ президенти Дональд Трампга “Boeing” 747-800 жумбо самолётини совға қилмоқчи.

Қўшма Штатлар етакчиси ушбу учокдан лавозимидан кетганидан кейин ҳам шахсий мақсадларда фойдаланиш ниятида.

Мазкур самолёт таҳминан 400 миллион доллар туради.

Қизик жиҳати, Америка Конституцияси ҳукумат лавозимини эгаллаган ҳар қандай шахсга Конгресс розилигисиз бирон-бир қирол, шахзода ёки хорижий давлатдан совға, мукофот, мансаб ёки унвонни қабул қилишни тақиқлайди.

Айни пайтда Трамп Қатар, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларига таширф буюришни режалаштирмоқда.

КУРДИСТОН ИШЧИ ПАРТИЯСИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛАДИ

Курдистон ишчи партияси (РКК) ўзини ўзи тарқатиб юборишини маълум қилган. “CNN”га кўра, Туркия билан кўп ишлар давом этган ва ўн минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган можародан сўнг бу тарихий қадам сифатида баҳоланмоқда.

“Фират” ахборот агентлиги хабарига кўра, РККнинг 12-Конгресси партиянинг ташкилий тузилмасини тарқатиб юбориш ва қурулғи кураш усулини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Айни пайтда қамоқда сақланётган партия раҳбари Абдулла Ҳужалан жараёнлар охирига етказилишини қўшимча қилган.

Туркия ҳукумати Курдистон ишчи партияси билан қарийб ўн йил давомида зиддиятда бўлиб келгани айтади. Гуруҳнинг мамлакат жануби-шарқида мустақил курд давлатини барпо этиш истаги ушбу жамаат-қаршиликларга сабаб бўлиб келган.

АҚШ ва ХХР КЕЛИШУВ САРИ ҚАДАМ ТАШЛАДИ

Швейцарияда ўтказилган Хитой ва Қўшма Штатлар ўртасидаги савдо музокаралари мунтазам равишда яқунланди. Бу ҳақда “BBC” наشري ёзмоқда.

Ушбу мулоқотни АҚШ молия вазирини Скотт Бессент “самарали ва конструктив” деб таърифлаган бўлса, ХХР Бош вазирини Ўринбосари Хе Лифенг барчаси “пухта” ва “самимий” утганига эътибор қаратган.

Дональд Трамп жорий йил январь ойида Пекингга нисбатан кескин тарифлар жорий қилганидан бери томонлар илк марта дам олиш кунларини ёпиқ эшиклар ортда муҳокамаларга сарф этган.

Жаҳон Савдо Ташкилоти бош инспектори Нгози Оконжо-Ивеала ушбу музокараларни “олдинга муҳим қадам” деб атаган.

— Мен ҳар икки давлатни кескинлиқни юмшатиш имкониятини тиклаш ва кўп томонлама савдо тизимига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи амалий ёчимларни ишлаб чиқишда давом этишга чақираман, — деган Нгози ўз баёнотида.

Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.



✓ **ЁД ЭТИБ**

Хар бир тарихий даврда жамиятнинг адолат тамойилларини тиклашга ҳисса қўшган шахслар бўлади. Ўзбекистон тарихида бундай фидокорлар қаторида Хадича Сулаймонова номи алоҳида ўрин тутади. У ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият юритиб, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва адолат учун курашган илк аёллардан бири эди. Айниқса, мустақиллик, эрк ва адолат учун курашган Акмал Икромов ва Файзулла Ҳўжаевнинг номи оқланишида унинг ҳиссаси бекиёс.



ЗУЛМАТНИ ЁРИТГАН АДОЛАТ УЧҚУНИ

Хадича Сулаймонова ҳуқуқшунослик соҳасида аёл сифатида ўз ўрнини топиш осон бўлмаслигини яхши биларди. XX аср бошларида аёллар нафақат иш олиш, балки ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиш имкониятидан ҳам деярли маҳрум эди. Аммо Хадича Сулаймонова бу тўсиқларга қарамай, ўз йўлидан қайтмади. У собиқ шўро ҳукумати даврида қатагон қурбонлари бўлган кўплаб инсонларнинг тақдирини билан шугулланиб, уларни оқлашга, айбисизлигини исботлашга ҳаракат қилиб, тарихий адолатни тиклашга интилади.

Ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатагонларда Акмал Икромов ва Файзулла Ҳўжаев сингари давлат ва жамоат арбоблари ҳам тўхматга учраб, ҳаёти фожиали яқун топди. Улар “халқ душмани” сифатида қораланган бўлса-да, Хадича Сулаймонова ва Нуритдин Акрамович Муҳитдинов уларнинг ишларини қайта ўрганиб, ҳақиқатни очибди интилади. Бу осон эмасди, собиқ тузумнинг ҳатоларини очиб ташлаш, сохта айбловлар ортдаги асл ниятларни кўрсатиш катта жасорат талаб қиларди. Хадича Сулаймонованинг ташаббуси билан Акмал Икромов ва Файзулла Ҳўжаев оқланди, уларнинг айбисизлиги фактлар билан исботланди. Бу жараёнда Хадича Сулаймонованинг ақл-заковатига тан берган СССР Бош Прокурори Р.А.Руденко “Сизлар ютдингизлар, Нуритдин Акрамович, энди ҳамюртларингиз Акмал Икромов ҳам Файзулла Ҳўжаев ҳам, албатта, оқланади. Лекин мен мана бу қизимизга қийил қолдим. Бунчалик чуқур билгимга эга бу ўзбек қизига мен тан бердим”. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун собиқ иттифок ҳуқуқий тарихида муҳим воқеа бўлган эди.

Шуни айтиш жоизки, 1913 йил 3 июль

куни Андижон вилоятида дунёга келган Хадича Сулаймонова Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик соҳасида илмий даража олишга сазовор бўлган биринчи аёл эди. 1948 йилда эса СССР Фанлар академиясининг ҳуқуқ институтига докторантурага юборилиб, қисқа вақт оралиғида унинг “Ўзбекистонда совет жиноят қонунининг вужудга келиши” ҳамда “Ўзбекистон ССРда совет судларининг ташкил топиш тарихи” номли иккита мақоласи чоп этилади. 1950 йилда эса Х.С.Сулаймонова докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, профессор илмий ўнвонига сазовор бўлди. 1956 йилда юридик фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосиғига сайланади.

Хадича Сулаймонова ўз илмий фаолияти давомида ҳуқуқшунослик соҳасига бағишланган қатор асарларни яратишга муваффақ бўлди. У 1965 йилнинг 26 ноябрида оғир ва узоқ касаллик оқибатида вафот этади.

Хадича Сулаймонова қисқа умр кўришига қарамасдан, инсоният учун юксак таҳсинга сазовор жуда кўплаб ишларни амалга оширди.

Адолат йўлидаги кураш ҳеч қачон осон кечмаган, айниқса, бундай оғир даврда адолат учун курашиш қийинчиликларга ва хатарларга тўла бўлган. Аммо Хадича Сулаймонова ҳуқуқшунос сифатида нафақат инсон тақдирини, балки келажак авлод тарихини тўғри ўрганиши учун ҳам курашди. Унинг меҳнати — зулмат ичра чакнаган адолат учқуни эди ва бу учкун бугунги кунда ҳам халқимиз хотирасида яқрираб турибди.

Висола ТЎЛҚИНОВА,
Тошкент давлат юридик университетининг жиний оқил судлов факультети талабаси.

✓ **ДУОГҲЙЛАРИМИЗ**

УМР ЗИЙНАТИ

ёхуд уч аср билан юзлашган момо

Одам боласи дунёга бир марта келади, фақат бир марта... Ана шу бир марта замирида минг битта ҳикмат бор. Буни билган — билади, билмаган — йўқ...

Қуръони каримнинг “Анкабут” (“Ўргимчак”) сураси 62-оятда айтиладики: “Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсани билгувчидир”. Аллоҳ берган умрга, ризку рўзга рози бўлиб, бориға шукр, йўғига сабр-қаноат қилиб ва, албатта, Аллоҳнинг буюклиғига иймон келтириб яшаётган одамлар нақадар бахтли! Чин мўмин-мусулмон киши ўзи шунақа бўлади: Аллоҳдан кўрқади, бировнинг ҳақини емайди, ҳалол меҳнат қилади. Бироқ минг афсус-надоматлар бўлсинки, Аллоҳни танимайдиган, билмайдиган, жаҳолат ботқоғига ботган, куйфрга берилган кимсалар ҳам борки... Қўйинг, улар ҳақида гаплашмайлик, кайфиятни бузмайлик. Уларга Аллоҳнинг ўзи кифоя қилсин.

Бошқаларни билмадим-у, менда қизиқ бир одат бор. Ёши улуг кишилар билан суҳбатлашсам, ибратли ҳикояларини эшитсам, дуоларини олсам, ўзимни қўшдаги енгил сезаман, кайфиятим кўтарилади, ишларим юришади. Яқинда ана шундай қувончли воқеа юз берди: ер юзидagi энг ёши улуг аёл — 130 ёшни, ҳа-ҳа, роппароса 130 ёшни қарши олган бувайдалик Хувайдо момо билан учрашдим.

Биз Бувайда туман ҳокимлиги Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Коммунахон Мирсаидова ҳамда “Қорақум” ва “Бачқир” маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоли Содоқатхон Дехқонова ҳамроҳлиғида Хувайдо момо яшайдиган (Қорақум қишлоғи, Замондошлар кўчаси, 44-уй) хонадонга кириб бордик. Бизни момонинг кенжа ўғиллари Тўракул ака (62 ёш) очиқ чехра билан кутиб олди.

Узун-қисқа бўлиб ичкарига кирдик. Дарвозахонадан ўтиб, 5-6 қадам юрганимиздан кейин ўнга бурилдик.

— Юринглар, юраверинглар, — дея йўл бошлади Тўракул ака. — Келди-кетдилар кўпайиб кетгандан кейин бувиимлар учун ҳовлининг бир четиға алоҳида уй-жой қурдик.

(Эслатиб ўтамиз: Фарғона водийси қишлоқларида азал-азалдан ўғил-қизлар оналарини “буви”, оналарининг оналарини эса “эна” дейишган. Ҳозир ҳам кўп жойларда шунақа дейишади. “Бувинг ўргилсин”, “энанг айлансин” деган сўзлар ҳам қадим-қадимдан қолган).

Момо учун қурилган уй. Оддий уй-жой. Кириш қисми дахлиз бўлиб, дахлизга 5-6 кишилик диван-кресло, стол-стуллар қўйилган. Полга йўл-йўл палос тўшалган. Хона ёруғ ва шинам. Зияратга келганлар аввал шу ерда бир оз нафасни ростлаб, бир пийёла чой ичиб, момонинг ўғил-қизларидан (улар кунда ва кунора шу ердалар) момо ҳақидаги қизиқарли воқеа-ҳодисаларни эшитиб, тинглаб, кейин ичкарига — момо ҳузурига кирадилар (айтиб қўйай, кейинги бир-икки йил ичида момонинг қулоқлари сал оғирлашиб қолган: секин гапирсангиз, яхши эшитмайдилар. Қаттиқроқ гапирай десагиз, ноқулай... Шунинг учун момони камроқ гапта

солиб, кўпроқ дуоларини олиш керак). Ахир зияратга боришдан асосий мақсад-муддао ҳам шу — дуо олиш эмасми? Худди шундай! Ҳа, дуода гап кўп. Дуо олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, Аллоҳ таоло марҳамати ила улуг ёшларга етган, кўпни кўрган, таъбир жоиз бўлса, ўзидан узоқлашиб, Аллоҳга яқинлашиб қолган табаррук отахон ва онахонларнинг дуолари ижобат бўлғай, иншооллоҳ!

...Ичкарига кирдик, момо билан кўришдик. Момо бир оз ҳоргин, толиққандай кўринди. Ўзимча ўйладим: келди-кетди кўп бўлгандан кейин шу-да! Одам толиқади, чарчайди. Аммо момонинг ранг-рўйлари, юзлари тоза, тиниқ ва беғубор. Кўзлари сал хиралашиб қолган бўлса-да, сўзлари аниқ-тиниқ. Юз-кўзларидан гўё илоҳий нурлар ёғилиб тургандай туюлди.

Лекин бу қўнларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бутун ер юзидagi, дунёдаги ёши энг улуг аёл — Хувайдо момо билан юзма-юз учрашиш, икки оғиз суҳбатлашиш, дуоларини олиш насиб этди.

Момо аста ва оҳиста дуога қўл очаркан, ҳар доим: “Бисмиллаҳи роҳманир роҳим! — деб бошлайдилар. — Қани, илоҳо омин, тани сиҳатлик, тинчлик, хотир-жамлик бўлсин! Тан-жонларинг эсон бўлсин! Юзларинг ҳаммаша ёруғ бўлсин, болажонларим! Мени йўқлаб келсинлар, сизларни Аллоҳ рози бўлсин! Менинг ёшимга етиб, мендан ҳам ўзиб, кўп-кўп яшанглар...”

Момо тўхтаб-тўхтаб, нафасини ростлаб-ростлаб узоқ дуо қилди. Юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилайди.

Момо дуо қилганда бутун жисму жонингиз, вужудингиз қулоққа айланади. Момонинг дуоларида бир ажиб сەҳр ва меҳр борлигини ич-ичингиздан ҳис қиласиз, қалбингиз юмшайди, нурга тўлади, тўқилганиб, ҳаяжонланиб кетасиз. Кўзларингизга беихтиёр ёш қуйилади...

Генетик олимларнинг таъкидлашича: “Узоқ умр кўрувчиларда насл қолдириш даври узоққа чўзилади”. Бу гапда жон бор. Савол туғилади. Хўш, ген, генетика нима ўзи? Ҳозирги замон генетикаси қандай илмий асосларга эга?

Маълумотларга кўра, ген (يونونه “genos” — уруғ, келиб чиқиш) — ирсиятнинг элементар ва структура бирлиги. Ирсий белгиларнинг ота-онадан авлодларга ўтишида маълум бир ирсий асос борлиғи ҳақида қадимда Демокрит (қадимги اليونон файласуфи), Гиппократ (қадимги اليونон мутафаккири, антик медицина асосчиси) ва бошқа кўпдан-кўп олимлар томонидан таҳлилий ва тахминий фикрлар айтилган. Бироқ чех олими Г.Мендель 1865 йилда ирсий элементар факторлар борлигини исботлаб берди. Мендель гени доминант (бошқа генларга тобе бўлмаган) ва рецессив (инкор этилувчи) генларга бўлинди. 1909 йилда даниялик олим В.Йогансен бу ирсий асосни “ген” деб аташни тавсия этди.

Ҳозирги замон генетикаси эса ҳар қандай тирик организмдаги белги ва сифатлар, физиологик ва биокимёвий реакциялар шу организмдаги мавжуд генлар назоратида бўлишини исботлаган. Демак, нафақат узоқ умр кўриш, соғлом турмуш кечирish, балки турли хил ирсий касалликларнинг келиб чиқиши ҳам кўпича генларга боғлиқ. Демак, генда, генларда гап кўп. Бундан



келиб чиқадиган ҳулоса шуки, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, қуда-анда бўлиш арасасида турган ота-оналар бўлажак келин-куёвларнинг етти пуштини сўраб-суриштирсалар, фойдадан холи бўлмас.

Мавзудан четга чиқмаган ҳолда энди қуйидаги факт ва рақамларга эътибор қаратамиз.

Маълумотларга кўра, Хувайдо момо Умарова 1895 йил 1 январь санасида ҳозир яшаб турган Бувайда туманининг Қорақум қишлоғида таваллуд топган. Момонинг отаси Тошматжон Қодиров (1869-1942) ҳунарманд уста — тандирчи бўлган. Онаси Олияхон Қодирова (1876-1961) эса жамоа ҳўжалиғи аъзоси — колхозчи бўлган. Буни қарангки, кимга эрта, кимга кеч деганларидек, Олияхон 19 ёшида, унинг қизи — уч аср билан юзлашган ҳўжамиз қаҳрамони Хувайдо момо эса 40 ёшида фарзанд кўришган: Хошимжон Умаров (1835-2013) туғилган.

Яна бир факт. Хувайдо момонинг тоғалари мулла Қодир бобо 130 йил, аммалари Сайдинисо момо эса 125 йил умр кўришган экан. Бунисига нима дейсиз? Узоқ умр кўриш уларнинг қонида бор, десак, асло му-болага бўлмас!

Давом этамиз. Хувайдо момо турмуш ўртоғи Уми-рали Умаров (1891-1971) дан 3 ўғил, 4 қиз кўрди. Айни кунларда уларнинг қизлари — Санобархон Бозорова (1942), Садбарой Тоштанова (1947), Раҳбарой Исломова (1952), Шарофатхон Аҳмедова (1961) ва ўғиллари — Абдуқосим Умаров (1949) ҳамда Тўракул Умаров (1963) лардан бахтли-саодатли одам йўқ дунёда. Чунки Аллоҳга минг қатла шуқурки, уларнинг табаррук ва дуоғуи оналари бор. Оналарининг 242 нафар не-вара, чевара, эвара, қабира, абира ва 5 нафар “бего-на”лари ҳам бор. Бундан ортиқ бахт борми?!

Хувайдо момонинг файзли хонадонидан бир олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, кенжа ўғил Тўра-кул ака бир гапни айтиб қолди.

— Яхшиямки, бувиимлар бор, — дейди у маънос оҳангда. — Бувиимлар бўлмаса, бизни йўқлаб ким ҳам келарди...

— Ундай деманг, ака, — дедик биз. — Бу хонадондан одамларнинг оёғи ҳеч қачон узилмайди. Ахир узоқ умр кўрувчилар хонадони бу! Момонинг тоғалари, амма-лари 125-130 йил умр кўришганлигини эшитдик, билдик. Шундай экан, демак, бу аъёна ҳали узоқ давом этади. Демак, бу файзли хонадоннинг чироғи абаду-абад ўчмагай, иншооллоҳ! Келди-кетдилар давом эта-варади...

Қурбон Али ТЎРАҚУЛОВ,
журналист.

✓ **АҚВОЛ**

Бир вақтлар кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи корхона бўларди. Унда бошлиқ, муҳандис, ҳисобчи, диспетчер, иккитадан сантехнику электрик ва бир нечта фаррош ишларди. Улар катта бир маҳалладаги кўп қаватли бинолар ва хонадонларга техник хизмат кўрсатар, буюртмани олган заҳоти пайсалга солмай айтилган манзилга боришар, носозликни бартараф этишарди.

Камгапу камтар, очиқ чехралли Маҳмуд ака деган сантехник бўларди. Унинг маҳаллада ўрни ҳам, ҳурмати ҳам бор эди. Яхшидан ном қолар, деганларидек, уста бу дунёни тарк этганига кўп йил бўлса-да, маҳалламиздагилар унутганлари йўқ.

Замона зайли биланми ёки янгилашчи ишлаш за-рурати туғилибдими, кўп қаватли уйларга хизмат кўр-сатувчи корхоналар ўрнида ТСЖлар (мулкдорлар-нинг ўртоқлик ширкати) пайдо бўлди. Афсуски, ак-сарияти ишини ёлчилотмагани учуми, улардан ҳам воз кечила бошланди. Ўрнига фалон деган ажабий номли МЧЖ яратилди.

Пойтахтнинг қор марказида жойлашган маҳалла-миз аҳли қиш заҳрини ютиб келаётганига беш-олти йиллар бўлди. Аэлли кўнлар бошланиши билан хиз-мат кўрсатувчи ширкат директориға “Иссиқлиқни ҳал қилмасангиз, пул тўламаймиз”, дея шарт қўямиз. У: “Йўқ, иссиқлиқни қаердан олиб бераман?” дейди айбни туман иссиқлик корхонасига ағдариб. Бор отанга, бор онанга бошланади. Бу тизимнинг шаҳар ва республика раҳбарларига қилган узлуқсиз му-ро-жаатларимизга “ҳодимларимиз муаммони жойида ўр-ганганлариде, иссиқлик мавжудлиғи аниқланди” де-ган ғирт ёлгон жавоб олишдан чарчаган бўлса-да, ортақа қайтмади. Охир-оқибат “VEOLIA ENERGY TASHKENT” МЧЖ ХКНинг кирдиқорлари фош бўлди. Йўқ иссиқлиқни бор деб уч-тўрт йилдан буён бутун бир маҳалла халқининг қулоғига лағмон осиб келган хо-рикий корхона ёзда қилинмаган ишни қишининг сову-ғида бажаришга мажбур бўлди. Ўтган қишда маҳалла иссиқлик билан таъминланди. Бунга етгунча салкам уч ой қиш жабрини тортишимизга тўғри келди. Лекин мажбур корхонанинг бирон-бир вакили ҳақиқатни тан олиб, одамлардан унр сўрамади. Бош директор лаво-зинини эгаллаб ўтирган А.Ҳайитметов ҳам миқ этмади. Унга иссиқлик истеъмол қилинмаган кўнлар учун рас-мийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилганига қара-май, мажбурий ижро бюросидан суд қарори илова қи-лингган қарордорлик хати ола бошладик. Маълум бўлди-ки, “PROSERVICECORP” МЧЖ директори оғзаки буёруқ билан уйимизни ўз компанияси тасарруфига олибди. Ҳе йўқ, бе йўқ, ҳар бир оиладан давлат бож билан почта харажатларидан ташқари, икки-уч мил-лион сўмдан ундирish изига тушибди. Мазкур компа-ния директори хатти-ҳаракатлари қонун-қондага зид эканлигини билмасмиди?! Компания мулкдорларни эмас, мулкдорлар уни танлайди-ку. Уй-жой мулкдор-ларининг розилиғи ҳақидagi умумий йиғилиш баён-номаси ва қарори, томонларнинг мажбуриятлари акс этган шартнома бўлиши амалдаги қонун-қонда тала-



би-ку! Энг асосий масала, бу — тўлов. Хўш, мулкдор-ларнинг техник хизмат кўрсатувчи ширкат ёки компа-нияға тўловини ким ва нима асосида белгилайди?

“Кўп квартиралли уйлари бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида “Мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда кўп квартиралли уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун жойлар мулк-дорлари мажбурий бадалларнинг ёки тўловла-рининг мажбурий умумий йиғилиши қарори билан белгиланади”, деб ёзиб қўйилган. Чиндан ҳам ҳар бир кўп квартиралли уйда қилинишни керак бўлган иш-нинг ҳажмига қараб тўловни қонунда кўрсатилганидек мулкдорларнинг ўзлари белгиласа бўлади-ку! Энг му-ҳими, йиғилган маблағнинг сарф-харажати кўзгудагидек кўриниб туради. Шундай қилинганда бутун масъу-лият мулкдорлар зиммасида бўлиб, таъмирлаш ҳам, ободонлаштириш ҳам ўз вақтида бажарилади.

Нодавлат ҳисобланган ширкат ёки компанияға тў-лов миқдорини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирлиғи белгилла-ган. У 2024 йилнинг 1 майдан бошлаб энг кам та-рифни қуйидагича белгиллаган: Тошкентдаги комму-никациялари мавжуд бўлган икки қаватли уйларининг бир квадрат метри учун 1147 сўмдан 1149 сўмгача, уч қаватли уйларининг бир квадрат метриға 1303 сўмдан 1305 сўмгача, тўрт қаватли уйларининг ҳар квадрат метриға 1514 сўмдан 1518 сўмгача бўлиб, бу баҳо қаватдан-қаватга ошиб бораверади. Сабаби нима? Нега бутун хонадон сатҳи тўловға тортилган? Тўлов миқдори нимаға асосланган? Негат квадрат метр асос қилиб олинган? Бунинг устиға, йил давомида. Савол-лар қўп.

Маълумки, мулкдор қиш мавсуми давомида ис-

сиқлик учун хонадонининг ҳар бир квадрат метриға белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлайди. Фойдала-нилган совуқ ва иссиқ сув ҳамда газнинг кубомет-риға қараб тўлов амалга оширилади. Аммо мулк-дор компания хизматидан йил (балки йиллар) бўйи бир сўмлик наф қўрмай, квартирасининг квадрат метриға ойма-ой пул тўлашини тушуниш қийин, жуда қийин. Тўғри, расмий ҳужжатларда ширкат ёки компания “умумий мулкни сақлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари”ни бажариши белгиллаб қўйилган. Ертўладаги коммуникацияларни мулк-дорлар ўз ҳисобидан таъмирласа, янгиласа, обо-донлаштириш ҳам ўзларининг қўлларидан чика-ю, яна компанияға пул ҳам тўлашлари адолатданими? Кўпгина жойларда хизмат кўрсатувчи мулкдорлар-нинг жиддий норозилиғиға олиб келаётганлиғи, ун-дан безиб бораётганлиғи шундан эмасми? Хизмат кўрсатувчи ўз вазифасини ёлгон ҳисоботда бажар-моқда. Агар иккинчи қаватда яшайдиган мулкдор ет-миш квадрат метрлик хонадони учун хизмат кўрса-тувчиға тариф бўйича ҳар ой 105 980 ва бир йилда 1 271 760 сўм тўласа-ю, ундан бирон-бир манфаат қўрмаса, норози бўлмайми? Бўлади-да! Қирқ ҳо-надонли кўп қаватли уйнинг ҳар бири шунчадан тў-лаганда ҳам 50 870 400 сўм йиғилди. Ҳеч бўлма-ганда, бу пулга уйнинг ташқи қўринишини чиройли қилса бўладими? Бўлади. Лекин...

Хизмат кўрсатувчи уйлар атрофидаги ерларни тартибга келтириб, гул қўчатлари, мевали ва манза-рали дарахт экиши керак. Яроқсиз ҳолға келган де-раза-эшиклар қачон янгиланади? Ҳатто уй ертўласи-даги иссиқ ва совуқ сув қувурининг маълум бир қис-мини алмаштириш учун материал ва хизмат ҳақини берамиз. Аммо кўп қаватли хонадонларни иситиш

мавсуми тутагач, тизим қувурлари ва хонадонлар ба-тареялари йиллар давомида ювилмаган.

Шу гаплар бошимда айланиб ётган пайтимда, ин-тернет тармоқларида бир аёлнинг ҳокимият вакили кабинетиде ёқалашган лавҳаси пайдо бўлди. Масул ҳодимнинг қўлини тишлаб олган “қаҳрамон” маҳалла-миздаги икки юзға яқин мулкдор истиқомат қилаётган кўп қаватли турар-жой компаниясининг директори бў-либ қикди. Ниҳоят, оёғи ердан узилиб, босар-туса-рини билмай қолган директор ишдан олиниб, кенг қў-ламли тафтиш бошланибди.

Мисоллардан қўриниб турибдики, кўп қаватли уй-ларға техник хизмат кўрсатувчи компаниялар мута-саддиларининг ҳуқуқий ва касбий малакалари саёз-луси, иш сифати талабға жавоб бермаслиғи, ташаб-бус, тадбиркорлик ва янгиликка интилишининг йўқлиғи, ҳалоллик ва адолат мезонларининг бузилиши ўзла-риға панд бермоқда. Ўтган қиш мавсумида йўқ исси-қлики мулкдорларға бор қилиб кўрсатиш учун қозонға қайтиб бориш керак бўлган қувурдаги илиқ сувни куну тун канализацияға оқизиб қўйганлари “Тошкент иссиқлик электр маркази” филиали — иссиқлик таъ-миноти корхонасига неча юз миллионлаб зарар кел-тирганили халқ ризигиға қиёнат эмасми?! Миробод ту-ман иссиқлик корхонаси ҳар бир компанияға солган уч миллион сўм жаримаси билан зарар ўрнини қоп-лайдими? Ачиқ бўлса-да, очиқ айтиш керакики, хиз-мат кўрсатувчи айрим компаниялар халқнинг берган пулини оқлаш учун тасарруфларидаги кўп қаватли уйларни обод қилиш ўрниға жигилдонларини сийлаш йўлида рақобатлашаётганға ўхшайди. Маҳалламиз фаоллари мавжуд кўп қаватли уйларни битта компа-нияға бирлаштириш, унинг раҳбаридан тортиб, иш-чиларигача шу маҳаллада яшайдиган бўлсин деган

талабни қўйдилар. Бешта уйни бошқараётган ном-зод билан гаплашиб, мақсадни тушунтирдик. У рози бўлди. Бироқ компания ўз фаолиятини маошсиз иш-лайдиган кузатув кенгаши раҳбарлиғи остида олиб бориши лозимлигини эшитганда ранги-рўйи ўзгариб, дудуқланиб қолди. Орадан икки ой ўтганига қарамай, ундан дарак бўлмади.

Кези келганда яна бир муаммо хусусида тўх-талмай бўлмайди. Айрим кўп қаватли уйларининг кириш эшиғи тепаси ва қаватлардаги чироқлар кундуз куни ҳам ўчирилмайди. Улар хонадон-лардан айри бўлиб, ертўладаги умумий ҳисобла-ғичға уланган. У билан бирон-бир мулкдор қизиқ-майди, албатта. Агар Энергетика вазирлиғи кўп хонадонли уйлар қаватларидаги чироқларни хо-надонлар ҳисоблагичиға улаб қўйса, қарабисизки, электр қуввати ҳам, мулкдорларнинг маблағи ҳам тежалган бўларди.

“Кўп қаватли уйларни бошқариш тўғрисида”ги ко-нуннинг 7-моддасида “Кўп квартиралли уйга туташ ер участкаси маҳаллий давлат органлари томони-дан кўп квартиралли уйдаги жойларнинг мулкдор-ларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида аж-ратилади. Кўп квартиралли уйдаги жойлар мулк-дорларининг зиммасига мажбур ер участкасининг санитария ҳолати ва ободонлаштирилиши учун жавобгарлик юклатилади. Ҳар бир кўп кварти-ралли уйнинг кадастр паспортида кўп квартиралли уйға туташ ер участкаси тўғрисида маълумотлар, шунингдек, ер майдонининг кадастр режаси маж-бурий тартибда бўлиши шарт”лиғи кўрсатилган. Хўш, бу ишни ким, қачон қилади? Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирлигининг туманлардаги бў-лим ва инспекцияларини ёки маҳаллий ҳокимиятнинг зиммасига юклатилган ташкилот ва идораларми? На-зорат бўлмаганилиғи сабабли беш йил ичида қилин-маган бу иш оқибатда кўп қаватли уйларға туташ ер-ларнинг талон-торож ва экологик хижатдан ағор бў-лишиға олиб келди. Айрим мулкдорлар томонидан ноқонуний қурилмалар бунёд этилди. Шахсий авто-мобиллар турар жойиға айлантирилди.

Мазкур қонуннинг 9-моддасидани “Кам таъмин-ланган оилаларға кўп хонадонли уйлари сақ-лаш бўйича ёрдам кўрсатиш”дек инсонпарварлик амалға ошса, ёлғиз яшовчи пенсионерлар, ноғирон ва кам таъминланган оиладагилар ҳам ҳурсанд бўл-майдики? Таассуфки, ҳали бу хайрли қонун талаби қорозда, холос.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишға ало-ҳида эътибор қаратилиши кераклигини ҳам ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Агар кўп қаватли уйларини бошқа-риш қонунда кўрсатилганидек олиб борилса, ёрдамға муҳтожлар яна четда қолиб кетмаса, муаммолар че-киниб, ишлар юришиб кетишиға ишонса бўлади.

“Кўп қаватли уйлари бошқариш тўғрисида”ги ко-нуннинг қабул қилинганиға ҳадемай беш йил бўлади. Унда кўрсатилган вазифаларни тегисли вазирлик ва идоралар пойтахтнинг Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалласида амал

ИЖОДИЙ САФАР

Қозоғистон — бу юртга меҳрим ҳамиша баланд, муҳаббатим чексиз бўлган. Чунки бу юртда менинг болалигим ўтган ва ҳамон болалигим яшайди. Ҳар гал келганимда, мен у билан кучоқ очиб дийдорлашаман. Қалбим тўридаги энг гўзал хотиралар уйғонади. Бу гал эса қардош юрт бизни ўзгача бир шуқу бўлиб қарши олди. Жорий йилнинг 22-26 апрель кунлари Олмаота шаҳрида Х халқаро шеърят ва мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Гўзал ва мафтункор Олмаота бу кунлари туркий тилли мамлакатлар адабиёт ва санъат соҳаси вакилларини ўз бағрига чорлади.

Бу галги фестиваль ташкилотчилари Туркиядаги Чукурова адабиётчилар жамияти, Қозоғистоннинг “Муқали” халқаро хайрия фонди ва “АР” наشريёт уйи бўлди. Фестивалда Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Татаристон, Бошқирдистон, Шарқий Туркистон (ХХР), Мўғулистон, Можаристон, Қорачой, Догестон, Олтой, Ёкутистон, шунингдек, Ироқ делегациялари иштироки кўзда тутилган эди.

Фестивалнинг илк кунидан, гарчи тилларимиз бўлак бўлса-да, унинг иштирокчилари ўртасидаги самимий ва ёنىқ бир ҳароратни, яқинлики ҳис этиб турдик. Биз, Ўзбекистонлик ижодкорлар шаҳарнинг шимолий қисми, Олатовнинг ёнбағрида жойлашган Ал-Форобий номидаги ижод уйига жойлашдик. Ушбу ижод уйининг ўзи, ундаги муҳит, айниқса, ён-атроф табиатининг ўзи ижод аҳлини шеър ёзишга ундайди. Биз жойлашган хонанинг деразасидан ҳар тонг унча олис бўлмаган кекса Олатовнинг қорли чўққилари, унинг бағрида қилчидай қад кўтарган биланд-баланд яшил арчазорлар манаман деб вилор ила қўриниб туради. Табиати, ҳар тонг деразам олдиғинасида ширингина хониши билан эркалаб уйғотадиган булбулларини, кўксимни тўлдириб-тўлдириб нафас олсам-да, тўймайдиган тоза ва мусаффо ҳавосини таъриф этишга тилим ожиз.

Қозоқ халқининг ифтихори Абай оқининг ушбу мисраларида бу элнинг табиати мужассам:

**Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер — она, қўйш — ота, нури жаҳон,
Онадай эмзидир қўқисдан ер,
Отадай меҳр тўқар ёғур осмон.**

Аслида, адабиётнинг, шеърнинг, куй ва мусиқанинг миллати, тили бўлмайди. У фақат юрак билан аңланади, қалб ила туйилади. Илдизлари, томирлари бир бўлган туркий миллат ижодкорлари ушбу фестивал баҳона бир-бирларининг ижоди билан яқиндан танишдилар, мушоиралар, дилтортар куй ва қўшиқларига ўзларини намоеъ этдилар. Биз билан бирга ушбу ижод уйида кўним толган озар ва турк ижодкорлари билан сафаримизнинг биринчи куниданок илик ва дўстона мулоқотга киришиб кетдик.

Ижод уйида ёнма-ён хонага жойлашган туркиялик ёши улуг ижодкор Рамзия Салгинжи



(Remziye Salginci) ўзбек миллатига, Ўзбекистонга меҳру муҳаббати ҳақида ҳаяжон билан сўзлади: “Мен Ўзбекистонни яхши кўраман, у биз учун ота юрtdир. Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлдим, аммо сизнинг юртингизга бориш энг катта орзум ва, албатта, бу орзумга яқин йилларда етаман. Бухорони, Самарқандни кўрмай туриб, бу дунёда ўлиб бўлмайди”, — дея меҳр билан ҳазиллашди у.

Фестивалнинг расмий очилиши ўзгача бир шуқуҳ ва тантанаворлик касб этди. Мезбон қардошларимиз миллий куй ва қўшиқлар оҳанги жўрлиғида бизни Қозоғистон Миллий кутубхонаси остонасида кутиб олдилар. Бино бўсағасида экилган қип-қизил лолазор манзараси гўзаллиғиёқ бизга баҳорий бир кайфиятни берди. Ичкарида эса миллий либослардаги қозоқ қизлари бизни ширин лутф ила ичкарига бошладилар.

Фестивалнинг очилишида жонқуяр ташкилотчи, қозоғистонлик машҳур оқин оғамиз Эржан Алаштуганнинг даъват ўрнидаги ёنىқ сўзлари юрак-юракларга етиб борди, “Бу дунёда иккита миллат бор, у ҳам бўлса, турклар ва турк бўлмаганлар. Сиз бу заминга меҳмон бўлиб келмадингиз, сиз ўз ота тупроғингиздаасиз! Туби бир тувишқаним, илдизи бир сув ичганим, жондай азиз бовуриим, шунча бошбошдоқлаб юрганимиз етар. Биз учун ўзбек, қирғиз, қозоқ деган миллат йўқ. Бир миллат бор — бир туркий улус бор! Бовуриларим, жигарларим, юртингизга хуш келибсиз...” Ушбу оташин нутқни бошидан-охиригача барча иштирокчилар оёққа тик қалқан ҳолда ҳаяжон ва фахр ила бардавом олқишлар билан қаршиладилар.

Шу лаҳзаларда мен буюк жадид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1918 йилда ёзган “Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат” мақола-сидаги ушбу сатрларни хаёлимдан ўтказдим: “Азиз қариндошларим! Муслмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон, демак — туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоғи, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмени, татари — ҳам-

маси аслан... жаҳонгир... Темурнинг авлоди ёки оға-инисидурлар...”

Ҳар бир сўзга чиққан юрт вакили фестивал иштирокчиларини ўз она тилида қутлар экан, туркий бирлигимиз, яқдиллигимиз, келгусида туркий адабиётимиз хазинасини бойитмоқ, ўзаро дўстлигимизни мустаҳкамламоқ йўлида ҳамкорлиқда амалга оширмоғимиз лозим бўлган режаларига тўхталдилар.

Ушбу тадбир иштирокчиларини кузатар эканман, асрларим Хитойдан Каспийгача, Хуросондан Сибиргача тарқаган туркийлар улуси — турк, озар, қозоқ, ўзбек, қирғиз ва яна барча қардошларимизнинг бир-бирига ўзаро ички бир интилиши, меҳру муҳаббати, қалб яқинлиги борлигини ҳис этдим.

Таниқли турк ижодкори, Туркиядаги Чукурова адабиётчилар жамияти раҳбари Ҳалисе Текбаш (Halise Tekbaş) хонимнинг жўшқин эътирофи қалбимга ўзгача ҳаяжон солди: “Билинг, туркнинг туркдан бошқа дўсти йўқдир. Биз жамлашсак, йўлимизга ҳеч ким қийолмайди. Биз жамлашсак, туркнинг қўрини ҳеч ким ўчириолмайди”.

Қозоғистонда ўтган фестивал кунларида биз қозоқ халқининг таниқли санъат усталари иштирокидаги концертдан бахраманд бўлдик, халқ қолғу асбоблари музейига ташриф буюрдик ва, айниқса, тадбир ташкил этилган Қозоғистон Миллий кутубхонасидаги қозоқ халқининг бебаҳо маънавий бойлиғи бўлган нодир китоблар жамланмаси билан танишиб, маънавий бойдик, ўзимиз учун катта илмий манба олдик.

Фестиваль доирасида қозоқ халқининг буюк саркардаси Муголи Баҳодур Қунқувар ўғли таваллудининг 855 йиллиги ва қозоқ давлатчилигининг 800 йиллиғига бағишланган илмий-маърифий конференция ташкил этилди. Муголи Баҳодур каби тарихий шахс ҳақидаги эшитган илмий фактлар, фикрлар шахсан мен учун янгилик бўлди. Қозоқ халқининг тарихан халқ бўлиб шаклланишида Муголининг жасорати ҳа-

қида тарихчи олимлар ўз маърузаларида таъкидлаб ўтдилар, халқ қаҳрамони шарафига чоп қилинган китоб тақдироти ўтказилиб, меҳмонларга-да ҳаёда этилди.

Бизга маълумки, Абай Қўнонбоев қозоқ адабиёти ва қозоқ тилига асос солган буюк оқин. Шоирнинг шеъри дostonлар, насрий асарлари, таржималари қозоқ халқининг миллий-маънавий ифтихори саналади. Абай халқларни дўстлик ва биродарликка, ҳамжиҳатликка чақирган, тинчлик ва осойишталикни, меҳр-муҳаббатни улуғлаган.

Фестиваль давомида Абай таваллудининг 180 йиллиги ҳам кенг нишонланди. Тадбирда қозоқ ижодий ва илмий соҳаси вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказилди, унда турк, ўзбек, қирғиз, озар ижодкорлари ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этдилар.

Энг мамнун бўларлиси ва маъқули эса, бизга ҳеч бир таржимоннинг кераги бўлмади. Туркий юрак билан бир-биримизни аңладик, туркий оҳанглар жон томирларимизгача етиб борди, туркий бирлигимиз йўлида кичик бўлса-да яна бир қадам қўйдик.

Ҳар кеч тадбирлардан сўнг Ал-Форобий ижод уйининг ҳовлисида “Шеър ва мусиқа оқшоми”да ҳар бир миллат ижодкорлари ўз шеърларини ўқишиб, оқинлар қўйлашганида, биргалишиб рақсга тушганимизда туркий улус яқинлиги, яқдиллиги дилларимизга ўзгача сурур бахш этди.

Мана шундай мушоиралар олдидан асл озар фарзанди бўлган Навоий Метин (Nevai Metin) билан суҳбатлашарканмиз, у ўз фикрларини шундай ифодалади: “Отамнинг улуг шоир Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ижодига муҳаббати баланд бўлиб, ҳавас ила менинг исмиمنى Навоий дея номлаган. Менинг ҳам ўзбек шеърятига, адабиётига меҳрим баланд. Қадим адабиётингиздан бошлаб, Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов ва бугунги кун ўзбек ижодкорларигача севиб мутолаа қиламан. Бугун уларнинг кўпи билан дўсту қадрдон, оға-инимиз. Ва аслида ҳам, биз баримиз туркий тилли миллатлар вакиллари қадим бир халқмиз. Тарихимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, миллий кадриятларимиз уйғун. Бизни бирлаштирадиган ана шу жиҳатларимизни янада яқинлаштириб, камол топтирмоғимиз, бир-биримизни елкама-елка туриб қўллаб-қувватламоғимиз лозим”.

Олмотанинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб, гўзал ва мафтункор табиати қўйнига сەҳнат чоғида мени яна бир нарса ажаблантирди. Бу шаҳарда яшайдиган халқнинг ўз она уйи бўлиши шаҳар ва унинг атрофидаги табиатга, муҳитга бўлган меҳри, эътибори-хурматини ҳис этдим. Қўчалар равон, ниҳоятда тоза, ҳатто шаҳар четида ҳам бирор чиқинди ёки йўл-йўлакай ташлаб кетилган кераксиз буюмларни, кесилган дарактларни, эътиборсиз қолдирилган ҳудудни кўрмайсиз. Биз қардош оғаларимиздан бу жиҳатдан ҳам ўрناк олсак арзийди. Олмаота

атрофидаги табиатнинг сўлимлиги, дарактларнинг қўллиги, ҳавосининг мусаффолиги бир келган меҳмонни яна қайта чорлайверади.

Табиатнинг тоғу тошларининг қўрку чиройидан ҳузурланиб манзилимизга қайтарканмиз, жамоамизнинг улуги бўлган хоразмлик катта ижодкор, устоз журналист Рўзимбой Ҳасандан сафар таассуротларини сўрадим. “Бу тадбирдан мен жуда катта ижодий куч олдим. Яшасин қозоқ бовуриларимиз, улар анча дадил, миллатга анча фидойи. Бу каби йиғинларнинг туркий тилли халқлар бирлиғига-да, тилимизнинг ривожига-да таъсири катта. Биз бир-биримиздан кўп манба, билим оламиз, ўрганамиз. Тилимиз софлашади, туркийлашади. Қаранг, йиғинда қозоқ қардошларимиз катта бир даъватни илгари сурдилар: “Келинг, туркий улус бирлашайлик, бир тилда сўзлашайлик, бизга тилмочнинг кераги бўлмасин”. Туркий давлатларида яшовчи ўттизга яқин миллатлар учун ўзаро мулоқот тили сифатида “чиғатой тили”ни тақлиф қилишгани бу катта жасорат. Қадимда ҳам “чиғатой тили” “чиғатой улуси”да, яъни бизнинг ҳудудда шаклланган. Бундан икки аср илгари чиғатой тили фақат Туркистон ҳудудидагина эмас, бошқа туркий миллатлар учун ҳам ягона сўзлашув тили вазифасини бажарган. Жадидлар отаси Исмоилбек Гаспирали чоп қилган “Таржумон” газетаси ва юртимизда бир аср илгари чиққан барча жадид нашрлари тили ҳам айнан чиғатой тилида бўлган. Утган аср бошларида “Чиғатой гурунги”, “Чиғатой адабиёти” атамалари истеъмолда бўлгани бунинг ёрқин исботи”, — деди устоз ижодкор.

Шу ўринда яна қозоқ халқининг буюк оқини Абайнинг қўйидаги ўғити ёдга тушади: “Қозоқ элида: “Ишинг боши бирликда, ризқинг боши тиркиликда” деган мақол бор. Бирлик — қўрангдиги молда эмас, тушунчанди бўлиши керак... Мол берсан отаси бошқа, онаси бошқа, дини бошқалар ҳам сен билан тинч-тотув бўлаверади. Агар бирлик мана шундай ҳисоб билан ўлчанса... бу бирлик эмас, аблаҳликдир! Дўст бўламан деган киши “бер” демасдан дўст бўлса, тинч-тотув яхаса, туз-насибасини бирга худудан таласа, шу яхши дўстдир”.

Дарҳақиқат, бугунги алғов-далғов, ноҳолилик учриган, талотўп дунёда бир ишончли елка, илқингни мустаҳкам туттувчи қўл бу фақат ва фақат — қадим илдизларинг, дарёларинг туташ, томирингдиги қонинг бир бўлган — қондошинг, қардошинг, бовуригитна бўла олиши мумкинлигини қалбан ҳис этдим. Адабиёт, шеърят, санъат эса ўз ўрнида халқларимиз ўртасидаги мана шу азалий ва адабий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашига амин бўлдим.

**Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира,
“Шуҳрат” медали соҳибаси.**

Тошкент — Олмаота — Тошкент.

НАСР

Тийеншоннинг тик қояларига туташиб кетган даралар шундай Бурчмулла қишлоғидан бошлади. Унинг гадойтопмас ўнгирларидан бирда Тожиали ака деган оксоқолнинг бир нечта капаси бор. Қамиш четанлар билан ўралган каравотларда ҳар замонда саратонда жизғанаги чиққан шаҳарлик танишлари келиб салқинлаб кетади. Капаларга ёндош сўмоқ осмон билан бўйлашиб ётган қоялар бағридан пастга шиддат билан қуйилган шаршарага олиб боради. Тўрт-беш метр баландликдан қуйиладиган шаршаранинг гузари унча катта эмас. Тоғлиқлар сувнинг олдини харсангтошлар билан одамнинг бели баробар ярим айлана шаклида тўсишган. Муздай сув тошлар орасидан сиғиб ўзан сари йўрғалайди. Тўғоннинг ичкарисидаги сув тиззадан келади, нари борса белга уради. Шаршаранинг остига ҳаммаям юрак ютиб боравермайди. Бора олган одамнинг ҳам ияқлари уч-тўрт дақиқада тақиллаб қолади. Бу ерга келиб кетувчилар кўп. Тожиали ака меҳмонларига эшик туингунининг ихтиёрини бериб, ўзи қилқоқдаги хонадониди кечалайди. Шовуллаган сой бағрида, тоғлиқларга хос эпчиллик ва дид билан қурилган бу капаларда саяхатчилар йўқ пайтларда аканинг ўзи тунаб қоладими, йўқми, буни билмайман. Бу ерда ҳамма нарса муҳайё. Энг муҳими, чиқроқ кишин-ёзин учмайди. Учоқ, самовар, егулиқлар сақланадиган музлаткич ва ҳоказолар.

Бу гал тошкентлик Қўмондон лақабли ошниси улфатлари билан келишди. Ихтиёри ўзларида. Тун бўйи гўштхўрлик. Тоғ ҳавосида ҳар қандай таом тез ҳазм бўлади. Шунданми, ҳаммиша қозон қайнайди. Нима таом танлашни Қўмондоннинг ўзи хил қилади, дидига мослаб тайёрлаган ҳам ўзи. Ҳеч ким бўш турмайди. Улфатлар унинг ҳужмига мунтазир. Ҳаммасининг ўз вазифалари бор. Музлаткичга сигмай қолган гўштлар симдан ясалган чанчаларга илминди.

Қўмондон деганимиз — жўрабошимиз талабаликдан бери жиповни кўлдан бермайди, агар ўтган замонда бўлганида у қўрбоси, келаси замонда яшаганда каттагина бош бўларди. Ҳозир, мана, қирқ беш йилдирки, ўн-ўн беш курсдошига бош. Уларнинг зерикчи қўлишларига йўл қўймайди. Аввал Эски шаҳардаги чойхонада улфатчилик қилишарди. Ҳар замонда ғарибгина, талабача чойхона ошларнинг



мазаси ҳалигача оғизларида. Кейинчалик йиғитчасига, ҳозир эса, ҳақиқий улфатчилик. Қолганлар ҳам ёши олтимшдан ўтаётган бўлса-да, ҳамон уни қулоқ қокмай тинглайди, айтгани — айтган, дегани — деган. Энди ҳаммаси нафақада, аҳён-аҳёнда бир-бирини қўмсаб, қўмондоннинг қақирғига Ҳиротдан бўлса ҳам “лааббай” дея етиб келиб дийдорлашиб турмишади. Хулласи калом, бу гал саратон забтига олганда, улар Бурчмулланинг табиатидаги ором истаб қолишди. Бунга ҳам Қўмондон сабаб. Тожиали ака унинг ёши қадрдони.

— Гўштини оқида сақласак, мушуклар юлиб кетмасмикан? — деди Ғулом давган ҳаммишагидай эҳтиёткорлиги тутиб.

— Бу ерда мушук нима қилсин, тулки-пулки десанг-чи? — деди қорачадан келган, дум-думалоқ Тошпўлат дегани. — Қўйсаларинг-чи, шунча гўштхўр олдидагини олдириб қўярмиди? — деди Қўмондон белисанд.

— Ҳидини айтаман, хидини, ёввойи ҳайвонлар тез ҳид олади, дейишади. Ишқилиб, шу қилганимиз тўғрими, масалан, қовун-тарвузларни музлаткичдан олиб ариқчага солиб қўйилик, муздайгина туради. Ҳар ҳолда, гўшт — гўшт-да, кўздан нарироқ турсин, — ўз сўзида туриб олди Ғулом давган.

— Билганингни қил, — деди Қўмондон.

бидан бўлса ҳам етиб келадиган ҳокимбува ҳам ҳар замонда қўшилиб туради. Ҳокимбува деганимиз туман ҳокимиятида ишлаб нафақага чиққан бўлса-да, фаол. Мажлисдан ортмайди. Бугун ҳам бу ерга шунча йўлдан катталардан жавоб сураб келган. Телефон билан дунёни бошқаради. У бу издиҳомга қозоғистонлик улфатларининг кўнглини ҳам ола келди. Бир ҳафтадан бери йўл босади. Толиққан экан, шекилли, наридан-бери қовзаниб, ўзини дуч келган тўшакка отди.

Бир хил қаламашларга ўхшаб қўзиб ўтиришни ёқтирмайман. Уларнинг ҳар бири ҳақида жойи келганда тўхта-ларман. Хуллас, улфатчилик ярим кечагача чўзилди.

Йўл чарчоғими, айримлар ёнбошлаган қўйи пинакка кета бошлади. Аҳволни қўриб, Қўмондон ҳужм қилди: — Ҳаммаларинг жой-жойингга. Мен шу ерда етаман, — деди чоғроқ темир каровотни қўрсатиб.

Ихчамгина. Агар астойдил истаса, тўртта улфатнинг чордана қуриб ўтирадиган жойи. Аммо бу тунда унга Қўмондоннинг бир ўзи жой бўлди. Ростманасига оёғини узатса, ўттиз сантиметрчаси осилиб қолади ҳам. Аммо қўмондон шу жой билан қаноатланди.

— Мен ораларингда ётсам, хуррак отиб, безовта қиламан, шунинг учун четроқ, шу ерда ёта қолай, — деди у.

Қолган улфатлар ҳам бир-бирининг пинжига тикилишди.

Шоирлар ҳамиша бир нима деган, Дегани учун ҳам бир нима еган. Емадим, дейишса, асло ишонмане, Емадим, дегани бир тепки еган.

— деб юборди. Мана шундан бери шоир шоир бўлиб кетди. Ҳатто Қўмондоннинг хонаки фармони билан “халқ шоири” деган унвонга ҳам сазовор бўлди. Бу ҳам бир гап-да.

Уша шоир ҳозир тоғ бағридаги хилват қапада жон ҳовуқлаб ўтирибди. Бўрилар келиб қолмасмикан, деган ваҳима эди унинг фикру хаёлини бутунлай банд этиб олди. Эшон пишиллаб ухляпти. Унга барибир. Тик туриб ҳам ухляйверади. Нариги каравотдагилар ҳам тинчиди. Фақат нарироқдаги сойнинг шовуллаши кучайгандай бўлди. Ваҳима янада ортди. Тоғ, шовуллаган сой, кимсасиз дара, бўрилар. Ахир бу ерда тунаб бўладими? Одам дегани ҳам қизиқ. Ўзларини не қўйга солмайди. Мана, чиябўрилар учун ўзларини ем қилиб шу ерларга ўз оёқлари билан келиб ўтиришибди.

Шоирни янада ваҳима босди. Уйқуси бутунлай қочди. Шу йўлар гирдобда кўрпачадан бошини чиқазиб, атрофга разм солди. Зим-зиё тун. Бу тазорлар қаъридан йилт этган ёруғлик қўзига ташланди. Қўнғизмикан, қуш-пушнинг қўзими, бўримикан е?! Йўғ-эй, қимирламаяпти-ку, юлдузнинг шуьласи бўлса керак. Унда нега битта? Юлдузлар кўп бўлиши керак эди-ку. Оббо, чиябўрилар бўлса-я! Уф, у кўрпанинг қалинлигини ҳам ёққанданим, бадини қизиб терлаб кетди. Нима қилса экан? Эшонни турғизсам? Йўқ, қулги бўлади. Дўстларининг ёнига ўтсам? У ёқда жой йўқ.



У дўстларининг бу каравотга ўтмаганининг маънисини энди аңлагандай бўлди. Соддалик курсин. Бироз қулоғини динг қилиб ётди.

Соат нечалигини билмайман. Ҳали тонг отмаган эди. Дара тепасидан, афтидан, сой шоввасининг ўнг томонидан, шоир ётган капанинг шундай биқинида ўнлаб қийбўри қий-чувини бошлаб қолди-ку. Бу ваҳима бирдан бошланди. Уларнинг овози тобора яқинлашаётгандай туюлди. Шоир ирғиб ўрнидан турди. Қоронғида қўзойнагини тополмай сермаланди. Икки кўзи чиябўрилар овози келган томонда. Нима қилсин, қалин аёллини олиб, улар ҳужум қилса устига ташлайман, деб ҳозирлик қўриб, шай турди. Ғулом ҳақ экан, улар гўштнинг ҳидини олишган. Бўлмаса, шунчалик яқин келишармиди?

Кўз ўнгиди чиябўриларнинг унга ташланиши, бирови бўғиздан, бошқалари ёғидан, қориндан қолқиб абжағини чиқариб ташлаши намоеън бўлди. Ҳаммаёқ қон. Агар улар ҳужум қилса, эшон ҳам соғ қолмайди. Нариги қападагилар-чи? Жуда катта фожиа ҳозир. Эртага ижтимоий тармоқларда “Бурчмулладаги фожиа” деган аянчли хабарлар тарқалади...

Шоир шуларни ўйлаётганида, чиябўрилар ҳамон бири қўйиб иккинчиси улашарди. Шоирни титроқ босди. Бирдан овоз яқинлашмай қолди-ку, деган ўйдан таскин топди. Аммо бутун вужуди дир-дир титради. Нима қиларини билмай, нафасини ичига ютиб, қулоғини динг қилиди. Бир неча дақиқадан сўнг чиябўриларнинг овози қандай дафъатан бошланган бўлса, шундай ўчди. “Ух! — деди у. — Аммо шарбаб эҳтиёт бўлиш керак”, деган фикр кўнглидан ўтди. Бўрини гапирсан, қулоғи қўринади, дегани шу-да. Секин эшон томонга қаради. У ҳамон пишиллаб ухларди. Нариги қападан эса қаторасига хуррак овозлари эшитиларди. Орадан қанча вақт ўтди, билмайди. Мана сенга дам олиш! Шоир ўзини ҳам, шу ерга олиб келган Қўмондонни ҳам, бошқа дўстларини ҳам ичиди ёмон сўқарди. Шу топда тонг ҳам оқара бошлаган эди...

✓ ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

ЎҚИТУВЧИ УЛУҒЛАНГАН АСАР

Урганч давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори Феруза Мадрахимованинг “O‘QITUVCHI QADRI” номли китоби кўпчилики зиёлилар, китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Зиёли оилада туғилган, болалигидан илмга қизиқиш уйғонган, бир дунё китоблар орасида улғайган Феруза ўзини китобдан айро ҳис қила олмасди. Таниқли педагог, эл-юрт ҳурматидаги олим бўлган Рўзимбой отасининг ярим кечагача нималарнидир ёзиб ўтириши, жавонлар тўла китоблар-дафтарлар... Буларнинг бари унда ҳам болалигидан илмга ихлос ва ҳавас уйғотди.



келинлик юмушлари... хуллас, ҳаётнинг турли икир-чикирлари ҳам уни изланишдан бир зум бўлса ҳам тўхтата олмади.

Анча ёш бўлса ҳам илм йўлини танлаган Феруза Мадрахимова бир қатор монографиялар ва қўлланмалар ёзишга улгурди. Ниҳоят, унинг меҳнатлари катта бир китоб ҳолида дунё юзини кўрди. Мазкур китоб билан танишиб чиққанимиздан сўнг “O‘QITUVCHI QADRI” — бугунги кунда энг керакли бир асар эканлигига иқроор бўлдик.

“МАТБУОТ, МАТБААЧИЛИК, НОШИРЛИК: ТАРИХ ВА БУГУН”

Хоразм вилоятида “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида юқоридаги номдаги янги китоб нашрдан чиқди ва унинг тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси ташаббуси билан нашрдан чиққан мазкур китобни воҳа журналистлари мамнуният билан қарши олдилар.



Ушбу китобда Хоразм матбуоти ва матбаачилиги, оммавий ахборот воситаларининг узок йиллик фаолияти, вилоятда нашриёт-матбаа тизими, босма нашрлар, телевидение ва радио, кутубхона ва китоб дўконлари ҳамда халққа ахборот етказиш ва зиё тарқатиш борасида олиб борилаётган кенг қўламдаги ишлар ҳақида сўз юритилиб, Хоразм матбуотининг узок тарихий йўли тасвирланади.

...1874 йил. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз халқни саводхон қилиш, китоб нашр этиш ишларини амалга ошириш мақсадида матбаачилик билан шуғулланаётган мамлакатларга қизиқади ва Шарқда биринчи

матбаа Эронда пайдо бўлиб, китоб нашр қилиш бошланганлигини билиб олади. Хоннинг ташаббуси билан Хивага Швейцариянинг Женева шаҳрида ишлаб чиқарилган тошбосма дасттоҳ Эрондан олиб келинади. Эронлик Иброҳим Султон исмли матбаачи Ферузининг тақлифи билан Хивада илк тошбосма фаолиятини йўлга қўяди. Шу тариқа Хоразмда жаҳон маданиятининг турли дурдона асарлари нашр этила бошланди.

Саройда ташкил қилинган “Подшоҳи замон типолитографияси”нинг илк маҳсулоти 1876 йилда Абу Наср Форобийнинг “Нисоб ус-сибён” (“Бола-

лар насибаси”) номли фалсафий асари литографик усулда босмадан чиқади. Бу катта шов-шувга сабаб бўлади. Иброҳим Султоннинг хон билан тузган шартнома муддати туганлиги боис у Эронга қайтиб кетгач, шу соҳага қизиқиб қолган Отажон Абдалов Хивада ягона матбаачи бўлади. Отажон босма деб ном олган бу киши энг аввало бадий асарларни чоп этади.

Отажон Абдалов матбаачилик билан бирга рус, форс, араб тилларини ҳам мукаммал ўзлаштирган зиёли инсон бўлган. Унинг савъ-ҳаракати билан 1880 йилда Алишер Навоийнинг

“Хамса” асари (“Ҳайрат ул-аб-рор”) ҳамда “Чор девон”, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) асари чоп этилади. Шу тариқа воҳада босма асарларни чоп этиш йўлга қўйилади.

“Хоразм матбуоти, матбаачилик, ноширлик: тарихи ва бугуни” китобида ана шундай қизиқарли воқеаларни ўқиш мумкин.

— Хоразмда ташкил қилинган дастлабки босмахоналар ҳамда Хоразм матбуотининг асосчилари, Хоразмнинг биринчи журналистлари, матбаачиликдан чиққан журналистлар ҳамда жадид ижодкорлар ҳақида тўлақонли маълумотлар берилган, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Дилбар Бекчонов. — Бу изланишларимизнинг дебочаси, эндиликда китобнинг иккинчи қисмини ҳам тўйлашга ҳаракат қиляпмиз.

Энг муҳими, воҳа журналистларининг ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоб қўлдан қўлга ўтиб, қизиқиш билан мутлоаа қилинмоқда.

Феруза ТАҒРИБЕРГАНОВА

✓ ТАҚДИМОТ

ЮРАКДАН СЎЗЛАГАН ИНСОН

Саодат Ўрмонова. Бу ном ўзбек журналистикасига ошно бўлган ҳар бир инсон учун таниш, азиз ва самимий бир овоздир. Бу овоз йиллар давомида қўлаб юракларга йўл топди, минглаб хонадонларга меҳр ва ҳақиқат сўзини олиб кирди. Бу тележурналист ўз фаолияти давомида фақат ахборот тарқатган эмас, балки ижоди билан инсонлар қалбига муҳаббат, садоқат, фидокорлик, инсонпарварлик каби туйғуларни ҳам сингдирган.



йинчиликлар ва зафарлар муқассам.

Ҳа. Саодат Ўрмонова нафақат устоз, балки унинг ижоди ўзига хос мактабдир. У кишининг меҳнати, қалами остидаги сатрлар, эфирдаги чиқишлари қанчадан-қанча ёш журналистлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. “Қишлоқ ҳақида ўйлар”, “Тележурналист”, “Мўъжизалар макони” каби китоблари орқали у инсонларга фақат фактларни эмас, балки ҳаёт ҳақиқатини, инсон юрагини садоларни етказишга ҳаракат қилди.

Китоб тақдимида Хуршид Даврон, Насиба Ибрагимова каби таниқли ижодкорлар, устозлар сўз олиб, Саодат опанинг ҳаёт ва ижод йўли, касбга бўлган садоқати ҳақида самимий сўзлар

айтишди. Бу сўзлар шунчаки мадҳ ёки табрик эмас, балки чинакам ижодкорнинг ҳақиқий қадрини англашга уриниш, унга бўлган юксак ҳурмат ифодаси эди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов Саодат Ўрмоновага уюшманинг эсдалик совғаларини топширди. Бу — миннатдорлик рамзи, ибрат ва эҳтиром тимсоли эди. Шундан сўнг муаллиф китобларини талабаларга ҳадя қилди. Бу — билимга, келажакка қилинган саодатли ҳиссасидир.

Чиндан ҳам Саодат Ўрмонова — оддий ва камтар, бироқ қалби дарё инсон. Унинг овози орқали халқ ўзини эшитган, қўлаб ҳақиқатлар халққа етказилган. У кишининг ижоди бугунги кундаги ёш журналистлар учун қўлланма, ибрат мактаби сифатида хизмат қилмоқда.

Шу кунларда журналистиканинг ўзига хос мурраккаб ва тезкор дунёсига юракдан сўзлаш, инсон юрагига етадиган сўз топиш осон эмас. С.Ўрмонова эса ана шундай сўзларнинг устаси. У киши ҳақида ёзилган ҳар бир сатр, айтилган ҳар бир сўз — бу бир эътироф, бир миннатдорлик.

Мухтасар айтганда, “Ўзбекистон телерадиоканалиданман” китоби — бу фақат хотира эмас. Бу — руҳий мерос, бу — журналистика тарихининг тирик гувоҳи, бу — келажакка йўлланган даъватдир. Саодат опа, сизнинг сўзларингиз, сизнинг меҳнатингиз яна кўп юракларга етсин, ёшлар учун илҳом булоғи бўлиб хизмат қилаверсин!

Ислом АСИЛБЕКОВ.

✓ ЯНГИ НАШР

Одамзод яралибдики, бир хис, бир туйғу уни умрбод тарк этмайди. Бу — севи, муҳаббат туйғуси. Агар бунинг тарихига қизиқиб курсангиз, асли Одам Атодан бошланганини сезасиз. “Қисаси Рабғузий” да ўқиймиз: “...Ҳазрат Одам алайҳиссалом ҳазрат Ҳаввони ахтариб, чандон йиғладилар. Кўз ёшлари томган ердан аччиқ-чучук дориворлар унди. Ҳазрат Ҳаввонинг ёшларидан сунбул, мушки анбар, қалампирмунчоқ унди. Ҳар ёш дарёга томди, гуҳарлар пайдо бўлди. Ҳар жонивор ичса қонмас эди. Ҳазрат Одамнинг ёшлари томган сувни кўп тахир таъриф қилур эдилар...”



БИР МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Жаннатдан ерга тушган Одам алайҳиссалом ўз жуфти — Ҳаввони неча юз йил излаган эканлар... Демак, бу — шунчалар қадимий туйғу. Севиш, севилиш — бир илоҳий мўъжиза. Негаки, уни ҳис қилган одам ўзини ниҳоятда бахтли ҳис қилади. Бу туйғу инсонни мисли кўрилмаган бунёдкорликлар сари етаклайди. Шу сезим туфайли одам дунёга қайтадан келгандай бўлади гўё. Мана шу ҳиссиёт туфайли бани одам борлик-оламни маълум маънода ўзгартиришга ҳам қодир бўлади.

Бу кўҳна оғунда энг кўп яратиладиган китоб, афсона ва ривоятлар, аслида, ишқ қиссалари бўлса, ажаб эмас. Негаки, жаҳон тарихига қарасангиз, буюк кашфиётлар замирига боқсангиз — англайсизки, севишли ёр висоли йўлида ёки ундан айрилиқлар азобида мисли йўқ ихтиролар, кашфиётлар ва ақл бовар қилмас мўъжизалар бино бўлганининг гувоҳи бўласиз: Семирамида осма болғари, Тожмаҳал саройи, мисли йўқ қасрлар, ҳайкаллар, картиналар ва ҳоказо. “Эй ишқ, ғариб кимёсен”, дейди Навоий, “Сочининг савдоси тушди бошимга бошдин яна”, деб ёзади жаҳонгашта Бобур, “Агар ошқингим йитсам, қуюб жону жаҳон ўртар”, дея нидо қилиб девонаи Машраб. “Муҳаббатсиз киши одам эмасдур, Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт”, дея нола қилади Нодира. “Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку”, ҳайратга чўмди Чўлпон. Бу соҳир туйғу туфайли дунёга машҳур ишқий қиссалар пайдо бўлади: “Лайли ва Мажнун”, “Отелло”, “Ромео ва Жульетта”, “Бовари хоним”, “Анна Каренина”, “Жаммила”, “Чоликуши”, “Женни Герхард”, “Ўткан кунлар”...

Таърифи ҳеч қачон тугамайдиган ишқ-муҳаббат туйғуси қўлга қалам олган барча ижодкорнинг асосий мавзуси бўлиб қолади. Чунки шу ҳиссиётгина барча сезги аъзоларимизни серхлеб олишга қодир.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Маҳбуба Абдураҳимова ҳам айнан шу мавзуда бир қисса битганки, у ўқирмани ўзига тартади. Нега? Чунки бундай қиссаларда энг аввало бадий тасвир, бадий тапқин муайян бадият талабларига жавоб бермоғи лозим. Айтиш мумкинки, бу масалада, яъни воқеа-ҳодисалар занжир — сюжет қурилиши, образлар хатти-ҳаракати, ишқий кечинмаларнинг таъсирчан ва ҳаққонийлиги, тасвир ва бадий тапқиннинг аниқлиги, ишонарлиги, бадий далиллаш ва, ниҳоят, бадий ечим — жойига тушган. Шулар туфайли қисса равон ўқилади, ортиқча мураккаблиқларнинг йўқлиги — ўқиб ўқишни, бинобарин, қаҳрамонлар аҳоли-руҳиясини тўлақонли ҳис қилишни осонлаштиради, ўқирмани қайноқ кечинмаларга туйғудон, дарддош қила олади.

Маҳбуба Абдураҳимова 2024 йилги Зомин семинари иштирокчиси. Анжуманда унинг “Шамсу Ҳилол” қиссаси мутахассис ва муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Натижада унинг илк асари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Адабиёт” нашриёти томонидан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида нашр этилди.

Қисса қаҳрамонлари устоз-у талаба. Олий ўқув юртининг тажрибали ва маҳоратли устози ҳамда таниқли ёзувчи — Шамсиддин Умаров ва талаба қиз Ҳилола ўртасида университетдаги илк сабоқлардан бошлаб, аста алангаланиб борувчи муҳаббат пайдо бўлади. Тўғри, бу ҳис энг аввал Ҳилолада бошланиб, унинг ич-этими кемиради. Бу вақтда, яъни ўқишга кирган қиз оилали ва фарзандли эди. Не ажабки, адабиёт дунёсига қизиқиш туфайли у тиббиёт ўқув даргоҳидаги ўқишини ташлаб, янгидан тил ва адабиёт университети га ўқишга қиради. Бу ердаги дарслар қизни ҳақиқий ишқ дунёсига — мўъжизакор олам ичига олиб қиради. Адабиёт дарсларида сўйланмаж соҳир муҳаббат ҳикояларидан, муҳокама ва мувоҳасалардан мутаассир бўлади,

завқиб сабоқлардан юрагининг туб-тубидаги армони ушалган адабиётсевар қиз ушбу лаҳзаларда энг бахтиёр бир инсонга айланади. Аммо бу бахтиёрлик севиғи ҳисларисиз тўлақонли бўлармиди?! Унга шу бахт ҳиссини юқтира олган ким эди? Албатта, бу донишманд устоз — Шамсиддин эди. Унинг сермаъно, ҳис-туйғуларга бой сабоқлари туфайли қизда муҳаббат ўт олади, алангаланади, жону жаҳонини қуйдиради. Шу даражадаки, у энди устоз дийдорига талпинадиган бўлади, уни соғинадиган — кўмсайдиган бўлади. Ажабки, оила ва севиғи — икки ўт орасига тушиб қолган талаба энди муттасил ўз ички дунёси билан мurosасиз курашга грифтор эди. Оилали бўла туриб, севиб қолиш... Янаям тўғрироғи, умрида ўзи излаган руҳий далда, кўмак, илм, зиё, қадрият, қўйингки, йиллар давомида орзу қилганларига эришиш — чинакам бахт эди. Аммо бу бахт йўлида тўсиқ бор, ох, у тўсиқки, бир умр бадном қилиши ҳам мумкин бўлган гов — оила! Қисса Ҳилоланинг узлуқсиз ички кечинмалари, ўз-ўзини тафтиш қилиши, бир қарорга келолмай азобланиши, муттасил беомон руҳий қийноқлари билан кечади. Бир неча марта ўз жонига қасд қилишга уринади. Ва ҳар сафар иккинчи томон — ногаҳоний севиғиси туфайли ёки бахтли тасодифлар туфайли омон қолади. Аслида ҳам уни ҳаётга қайтариб турган нарсас — ўша илоҳий туйғу эди. Токи уни юракдан ҳис қилар экансан, у сени бу дунёдан ноумид бўлишга, эрта кетишга қўймайди.

Ҳилоланинг ички монологлари, оила, турмуш ўртоғи, болалар, қайнона ва қайнота, қолаверса, ўз онаси олдидаги, “одамлар нима деркин?” деган адоқсиз ички изтироблар олдидаги қийналишлари ўқувчини ўйлантирмай қўймайди. Асарнинг энг ҳадди аълоси — ошқларнинг алалоқибат холи жойда топишшлари, бунинг ниҳоятда эҳтиросларга ва шиддатли кечинмаларга бой тарзда — драматик кечиши, бу сертахлика ва серҳаяжон ёлғиз қолишнинг интиҳоси нима билан хотимланиши ўқирмани ҳаприктирган ҳаяжонда ушлаб туради...

Ишқ-муҳаббат қиссаси токи иккала томоннинг баробар қуйиб-ёниши билангина тўқисроқ бўлиши аниқ. Муҳаббатнинг таърифини тасвирлашнинг имкони йўқ. Бўлганида, одамлар бу туйғудан аллақачон зерикиб қолган бўлишар эди. Бизнинг қаҳрамонларимиз — Шамсиддин ва Ҳилола эса кўпгина оғриқли руҳий-изтиробли кечинмаларни бошдан ўтказишади. Чунки оила қадрияти, жамиятдаги қарашлар саҳрода пайдо бўлган чечак каби бу муҳаббатга йўл бермайди, одатда. Лекин на илож, қоски бу туйғу одамлар ўрнатган қонун-қодаларга ҳадеганда бўйсунса...

“Шамсу Ҳилол қиссаси” ўқиб яна ва яна уйга толасиз. Баъзи хатти-ҳаракатларимиз борки, ақл тарозисига тушмайди, уни маънавий-ахлоқий талаблар билан ҳам ўнглаб бўлмайди, бу — севиш, севилиш бахти. У кўнглининг тубида бўлади. Уни тортиб олиб бўлмайди, уни маҳв этиб бўлмайди, уни буткул қалбдан ўчириб юборишнинг ҳам иложи йўқ. Бу ўжар туйғу — ибнкор, у қайта-қайта бош кўтараверади. Ажабдирки, бу кўҳна дунё ишқ-муҳаббат қиссалари туфайли ҳам мазмунлидир балки...

Қиссанинг бир жиҳати — кўнгилга гўзал ишқий кечинмалар солажаги бўлса, яна бир жиҳати бетакор севиғи-муҳаббат дунёсига олиб киргани, айна пайтда асарни ёқимли қиладиган яна бир жозиб томони — унинг шарқона одоб чегарасидан чиқмагани...

Хошимжон АХМЕДОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди.